

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ахмедов.Н., Абдушукуров А.К.,  
Тожимухамедов Х.С., Йўлдошев А.М.**

**«ОРГАНИК КИМЁ» УМУМИЙ КУРСИДАН  
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**ТОШКЕНТ-2000**

Ушбу маърузалар матни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг органик кимё кафедраси ўқитувчи ва профессорлари томонидан тайёрланиб, кимё факультети илмий кенгаши ва университет методик кенгаши томонидан (2000 й. 8 июнь № 8 баённома) нашрга тавсия этилган.

**Масъул мухаррир к.ф.д., проф. Бобоев Т.М.**

## Маъруза № 1. ОРГАНИК КИМЁ ФАНИ

*Органик кимё фани, ривожланиш тарихи ва унинг хусусиятлари. Органик кимё фанига берилган таърифлар. Органик бирикмаларнинг табиий манбаълари. Органик бирикмаларни фарқ қиладиган хусусиятлари ва органик реакцияларнинг хоссалари. Назарий тушунчаларни ривожланиши: радикаллар, типлар, унитар назариялар. Тузилиш назарияси*

Таркибида углерод атоми туган моддаларга органик бирикмалар дейилади. Органик бирикмалардан инсоният қадим замонлардан фойдаланиб келади. Органик бирикмалар ўсимлик ва шайвон организмларидан олинган. Шунинг учун органик бирикмалар кимёсини ўқитадиган фанга «органик кимё» деб айтилади. Органик бирикмаларга - метан, этан, этил спирти, сирка кислота, қанд мисол бўлади.

Органик кимё фанига олимлар турлича таъриф беришган. «Органик кимё углерод бирикмаларининг кимёси» (А.Кекуле 1851 й). Аниқроқ таърифни 1889 йили К Шорлеммер берган: «Органик кимё углеводородлар ва уларнинг шосилаларини ўрганадиган фандир». Лекин бу таъриф шам ноорганик ва органик кимё ўртасидаги фарқни кўрсата олмайди, чунки  $\text{CO}_2$ ,  $\text{CO}$ ,  $\text{K}_2\text{CO}_3$ ,  $\text{H}_2\text{CO}_3$  ва бошқаларни ноорганик ва органик моддаларнинг шосиласи деб айтиш мумкин. Шамма органик бирикмалар асосан углерод, водород ва бошқа элемент атомларидан ташкил топган. Органик кимёнинг замонавий таърифи қуйидагича: «Органик кимё углероднинг бошқа элементлар билан шосил қилган бирикмаларини ўрганадиган фандир». Органик бирикмаларнинг табиий манбаъларига нефть, табиий газ, кўмир, сланецлар, торф, ёғоч. қишлоқ хўжалик машсулотларининг чиқиндилари киради. Бу манбаълардан органик бирикмалар турли усуллар билан ажратиб олинади. Органик бирикмалар асосан синтез қилиб олинади. Маълумотларга қараганда 7-8 миллион органик моддалар мавжуд бўлиб, бир кунда тахминан 500 та янги модда синтез қилинади.

Углерод ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Углерод даврий системада металллар ва металмаслар ўртасида жойлашган ва унинг валентлиги 4 га тенг. У электронейтрал хоссани намоён этади ва ковалент боғ шосил қилади.
2. Углерод бошқа элементлар билан бирика олади. Углерод атомлари бир-бири билан боғланиб, узун занжир шосил қилади. Занжир тўғри чизиқ, тармоқланган ёки шалқа кўринишида бўлади. Углерод атомлари орасидаги боғлар-оддий, қўш ва уч боғ бўлади. Углерод-углерод боғи мустақкам бўлиб, кимёвий реакцияларда камдан-кам шолларда ўзгаради. Реакцияларда углерод скелети молекуладан молекулага ўзгармасдан ўтади. Бундай атомлар гурушига радикаллар деб аталади. М-н:  $\text{CH}_3$ -метил,  $\text{CH}_3\text{CH}_2$ -этил,  $\text{C}_4\text{H}_9$ -бутил радикаллари.
3. Органик реакциялар радикаллар билан боғланган ва реакцияга кириш қобилияти юқори бўлган функционал гурушлар шисобига боради. Шозир юзга яқин функционал гурушлар мавжуд. М-н:  $>\text{C}=\text{O}$ ,  $-\text{CHO}$ ,  $-\text{COOH}$ ,  $-\text{OH}$ ,  $-\text{NH}_2$ ,  $-\text{X}$  ва ш-зо.

Органик кимёни алошида фан қилиб ўқитишнинг асосий сабаблари:

1. Маълум бўлган органик бирикмаларнинг турли-туманлиги ва кўплиги (7-8 млн.);
2. Органик бирикмаларнинг тез ўзгарувчанлиги. Улар шарорат таъсирида суюқланади, парчаланади ва осон ёнади.


3. Органик бирикмалар таркибининг мураккаблиги  $(C_6H_{10}O_5)_n$  нк10-100000;
4. Органик бирикмалар диссоцияланмайди, чунки углерод-углерод орасидаги боғ ковалент боғдир.
5. Органик бирикмаларнинг реакциялари секин вақтнинг ўтиши билан боради;
6. Органик бирикмаларда изомерия шодисаси мавжуд. М-н:  $C_5H_{12}$  углеводороднинг учта изомери бор:  $CH_3CH_2CH_2CH_2CH_3$  н-пентан,  $CH_3CH(CH_3)CH_2CH_3$  2-метилбутан,  $CH_3C(CH_3)_2CH_3$  2,2-диметилпропан.

### Органик кимё назарий тушунчаларини ривожланиши


Органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси ва реакцияга киришиш қобилияти, молекуладаги атомларнинг боғланиши тўғрисидаги таълимот, молекуладаги атомларнинг ўзаро таъсири ва кимёвий реакцияга киришиши органик кимёнинг назарий асосларидир.

**Радикаллар назарияси:** органик кимёнинг биринчи тузилиш назарияси радикаллар назариясидир. И. Берцелиус ноорганик бирикмаларнинг кимёвий боғларини электрокимёвий назариясини яратган. Бу назарияга асосан шамма бирикмалар қарама-қарши ионлардан ташкил топган ва улар ўзаро электростатик тортилиб туради. Органик бирикмаларда ионларнинг ўрнида радикаллар бўлиб, бу радикаллар реакцияларда бир моддадан иккинчисига ўзгармасдан ўтади. М-н:  $C_6H_5-COOH$ ,  $C_6H_5-CHO$ ,  $C_6H_5-COCl$ . Аммо кейинчалик радикаллар назарияси инкирозга учради, яъни органик бирикмаларнинг водороди ўрнига хлор ва бошқа гурушларни алмаштириш мумкинлиги аниқланди. М-н:  $CH_3H \rightarrow CH_3Cl$

**Типлар назарияси:** органик бирикмалар типлар бўйича синфлаштирилади. М-н:  $CH_3COOH$ ,  $ClCH_2COOH$  бир типга киради. Кейинчалик *аммиак тип* топилди:



**Унитар назария.** Типлар назарияси унитар назария билан тўлдирилди. Шамма органик бирикмалар маълум тип бирикмалар водород атомларини радикалларга алмашинишидан шосил бўлади. Асосий типлар қуйидагилар:



Бу назариялар изомерия шодисасини тушунтира олмайди.

### Органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси

Рус олими А.М.Бутлеров 1861 йилда тузилиш назариясини яратди. Назариянинг икки хил таърифи мавжуд: А.М.Бутлеров таърифи ва унинг шозирги замон таърифи.

**А.М.Бутлеров таърифи:** «мураккаб моддаларнинг кимёвий табиати унинг таркибига кирувчи элементар заррачанинг табиатига, уларнинг миқдорига ва кимёвий тузилишига боғлиқ».

**Шозирги замон таърифи:** «органик бирикмаларнинг физик ва кимёвий хоссалари унинг таркибига шамда кимёвий, электрон ва фазовий тузилишига боғлиқ». Бу таъриф бирикмаларнинг шамма хоссаларини шисобга олади.

А.М.Бутлеровнинг тузилиш назарияси гомология, изомерия, органик бирикмаларнинг синфланишини, фазовий тузилишини, реакция қобилиятини, кимёвий тузилишини тушунтириш учун илмий асос бўлади.

### Назорат саволлари:

1. Органик кимё фанига таъриф беринг.
2. Органик бирикмаларнинг табиий манбаълари шақида маълумот беринг.
3. Органик бирикмаларни ноорганик бирикмалардан фарқини айтинг.
4. Органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси таърифи.


### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Ву́сшая школа». 1990. С.9-25.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 11-27.

### Маъруза № 2. Алканлар

*Алканларнинг гомологик қатори, гомологик қатор фарқи. Изомерланиши, номланиши-тасодифий, рационал, ИЮПАК номенклатураси*


Энг оддий органик бирикмалар углеводородлардир. Молекуласидаги углерод атомлари ўзаро оддий боғ билан боғланган, қолган валентликлари водород атомлари билан тўйинган углеводородлар алканлар дейилади. Алканларнинг дастлабки вакили  $\text{CH}_4$  метандир, ундан кейин  $\text{C}_2\text{H}_6$  этан,  $\text{C}_3\text{H}_8$  пропан,  $\text{C}_4\text{H}_{10}$  бутан,  $\text{C}_5\text{H}_{12}$  пентан,  $\text{C}_6\text{H}_{14}$  гексан,  $\text{C}_7\text{H}_{16}$  гептан,  $\text{C}_8\text{H}_{18}$  октан ва шаккозо умумий формуласи  $\text{C}_n\text{H}_{2n+2}$  ва бир-биридан  $\text{CH}_2$  гурушга фарқ қилувчи қаторни алканларнинг *гомологик* қатори дейилади. Метан водородларини алкил радикалларига алмаштиришдан бошқа алканларни шосил қилиш мумкин. Алканлар тармоқланган ва тармоқланмаган занжирли бўлади. Изомерия шодисаси бутандан бошланади:



**Алканларни номлаш.** Органик бирикмалар уч хил номенклатура бўйича номланади: *тасодифий (эмпирик), рационал* ва *ИЮПАК* бўйича.

**Тасодифий номлаш:** бу номлаш модданинг очилиш тарихи ёки унинг олиш манбаи билан боғлиқдир. М-н.  $\text{CH}_4$  -метан ботқоқ газы,  $\text{HCOOH}$ -чумоли кислота,  $\text{CH}_3\text{CHONCOOH}$ -сут кислота ва ш.к.

**Рационал номлаш:** барча алканлар гомологик қаторнинг дастлабки вакили метаннинг битта ёки бир неча водородини бошқа радикалларга алмашинган шосиласи деб қаралади:




Бу номлаш мураккаб бўлмаган алканларни номлаш учун қулайдир.

### ИЮПАК (систематик) номенклатурада номлаш


Алканларни ИЮПАК бўйича номлаш учун қуйидаги тартиб қабул қилинган:

1. Асос сифатида углерод атомларининг энг узун занжири танлаб олинади. Занжирга боғланган алкил радикали ўринбосар сифатида қаралади;
2. Танлаб олинган энг узун занжир номерланади. Номерлаш занжирнинг тармоқланиши четга яқин бўлган томонидан бошланади;
3. Агар занжирнинг битта ёки бир нечта углерод атомларида ўринбосарлар жойлашган бўлса, номланганда номер шар бир ўринбосарга қўйилади ва вергул билан ажратилади, бир хил ўринбосарларнинг сони *ди-, три-, тетра-* ва ш.к. грек сонлари билан кўрсатилади.
4. Алкан молекуласида турли ўринбосарлар бўлиб, улар углерод атомларининг сони ва тармоқланиш даражаси билан фарқ қилса, алканни номлашда ўринбосарлар алфавит бўйича номланади.




#### 5-Изопропил-2,5-диметил-4-этилнонан

5. Алканнинг тармоқланган узун занжири номерланади, номерлаш углеводород асосий занжири билан боғланган углерод атомидан бошланади. Ўринбосар номи қавс ичида ёзилади:




#### 2-Метил-5-(1,2-диметилпропил)нонан




#### 5-(1-метилпропил)декан, 5-иккиламчи-бутилдекан

Углерод атомлари бирламчи (-), иккиламчи (к), учламчи (≡) ва тўртламчи (≡) бўлади. Битта углерод билан боғланган углерод атомига *бирламчи*, иккита билан боғланганига *иккиламчи*, учта билан боғланган бўлса *учламчи* ва тўртта билан боғланган бўлса *тўртламчи* углерод атоми дейилади. М-н:




Алкан молекуласидан битта водород тортиб олинса алкил радикали щосил бўлади:



Алкил радикалининг номи алканнинг *-ан* қўшимчасини *-ил* алмаштириб щосил қилинади. CH<sub>3</sub>-метил, CH<sub>3</sub>CH<sub>2</sub>-этил, CH<sub>3</sub>CH<sub>2</sub>CH<sub>2</sub>-пропил, (CH<sub>3</sub>)<sub>2</sub>CH-изопропил, C<sub>4</sub>H<sub>9</sub>-бутил, CH<sub>3</sub>CH(CH<sub>3</sub>)CH<sub>2</sub>-изобутил, CH<sub>3</sub>CH<sub>2</sub>(CH<sub>3</sub>)CH-иккиламчи бутил, (CH<sub>3</sub>)<sub>3</sub>C-учламчи бутил радикаллари.

Тармоқланган алкил гуруцини номлаш учун занжир номерланади:



#### Назорат саволлари:

1. +уйидаги углеводородларни қайси бири алканлар: C<sub>5</sub>H<sub>12</sub>, C<sub>7</sub>H<sub>14</sub>, C<sub>8</sub>H<sub>18</sub>, C<sub>10</sub>H<sub>22</sub>, C<sub>22</sub>H<sub>44</sub>, C<sub>8</sub>H<sub>6</sub>
2. 8, 10, 13 углерод атоми тутган алканларни формулаларини ёзинг.
3. Бутан, пентан, гексан изомерларининг тузилиш формулаларини ёзинг ва номланг.
4. Гептан изомерларини ёзинг ва номланг. Бирламчи, иккиламчи, учламчи ва тўртламчи углерод атомларини белгиланг.
5. Таркиби C<sub>8</sub>H<sub>18</sub> бўлган алканни узун занжирида 6 та углерод атоми тутган изомерларини тузилиш формулаларини ёзинг ва ИЮПАК бўйича номланг.

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С. 83-89.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 60-75.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 79-91.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 89-93.

#### Маъруза № 3. Алканларни олиш усуллари ва хоссалари

*Алканларни табиий манбаълари ва олиш усуллари. Алканларни физикавий хоссалари. Алканларни электрон ва фазовий тузилиши, кимёвий хоссалари. Боғни гомолитик узилиши, эркин радикаллар ва уларнинг тузилиши. Алканлардаги занжирли эркин ради-*


кал алмашиниш реакциясининг механизми щақида умумий тушунчалар: галогенлаш, сульфохлорлаш, сульфооксидлаш, нитролаш, оксидлаш реакциялари

Алканлар асосан табиий манбаълардан ва синтез усули билан олинади.

1. Алканларнинг асосий манбаъи нефть ва табиий газдир. Табиий газ 95-98 % метан, 2-5% этан, пропан, бутандан иборат бўлади. Нефтни қайта ишлаб алканларни аралашмаси олинади.


2. Тош ёки қўнғир кўмирни водород билан молибден, вольфрам ва никель металларининг оксидлари ва сульфидлари иштирокида 450-470°C, 300 атм босимда гидрогенланади. Бунинг натижасида алканлар ва циклоалканлар шосил бўлади.

3. Фишер-Тропш усули. Углерод(II)- ёки (IV)-оксиди кобальт ва темир катализаторлари иштирокида қайтарилса алканларнинг аралашмаси шосил бўлади:




4. Карбидлардан олиш. Айрим карбидларга сув таъсир эттириб метан олинади:  
 $\text{Al}_4\text{C}_3 + 12\text{H}_2\text{O} \rightarrow 3\text{CH}_4 + 4\text{Al}(\text{OH})_3$

5. Вюрц (1855 й.) реакцияси бўйича галогеналканлардан олиш:  
 $2\text{CH}_3\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{Br} + 2\text{Na} \rightarrow \text{C}_8\text{H}_{18} + 2\text{NaBr}$ . Бу усул билан жуфт углерод атоми тутган алканларни олиш яхши унум билан боради. Тоқ сонли углерод атоми тутган алканларни шар хил галогеналканлардан олинганлиги сабабли алканларнинг аралашмаси шосил бўлади:




Бундай реакцияни литий метали ва мис тузлари иштирокида эфир эритмасида олиб борилса юқори унум билан алкан шосил бўлади (Кори-Хаус реакцияси):



Галогеналканларнинг реакцияга киришиш қобилияти ва реакция унуми қуйидаги қаторда ўзгаради:  $\text{RX} (\approx 100\%) > \text{R}_2\text{CHX} (50\%) > \text{R}_3\text{X} (30\%)$

6. Кислота тузларидан олиш  $\text{RCOONa} + \text{NaOH} \rightarrow \text{RH} + \text{NaCO}_3$ .


7. Органик бирикмаларни қайтариб олиш:




**Физик хоссалари.**  $\text{CH}_4$ ,  $\text{C}_2\text{H}_6$ ,  $\text{C}_3\text{H}_8$ ,  $\text{C}_4\text{H}_{10}$  газ моддалар.  $\text{C}_5\text{H}_{12}$  дан то  $\text{C}_{15}\text{H}_{32}$  гача суюқ,  $\text{C}_{16}\text{H}_{34}$  дан бошлаб қаттиқ моддалар. Улар сувда эримайди. Углерод атомлари бир чизикда ётмайди. n-Алканлар изоалканлардан мочевина ва тиомочевина ёрдамида ажратилади.

**Кимёвий хоссалари.** Алканларда углерод атомлари  $sp^3$  гибридланиш шолатида бўлади. Углероднинг 4 та  $sp^3$  гибридланган орбиталлари тўртта водороднинг 1s орбитали билан қопланади ва  $\sigma$ -сигма боғларни шосил қилади. Гибридланган орбиталларнинг учлари тўғри тетраэдрнинг учларига йўналган бўлади ва улар орасидаги бурчак  $109^\circ 28'$  га тенг. C-C боғининг узунлиги 0,154 нм ва C-H боғи 0,109 нмга тенг. Метан молекуласи тетраэдр кўринишида бўлиб, унинг учларида водород атомлари жойлашган ва бурчак  $109^\circ 28'$  га тенг:






n-Алканларнинг молекуласида углерод атомлари кўп бўлса, уларнинг тузилиши синик чизик кўринишида бўлади ва углерод атомлари текисликда қуйидагича ётади:




Алканларни парафинлар ҳам дейилади. Улар кислоталар, ишқорлар ва оксидловчилар таъсирига чидамли, аммо нур, шарорат таъсирида реакцияга киришади.


**Галогенлаш.** Алканлар фтор билан шиддатли, хлор билан нур таъсирида реакцияга киришади. Бромлаш қиздириш билан нур таъсирида боради. Метанни хлорлаш нур ёки қиздириш билан боради:



Реакция радикал механизмида боради ( $S_R$ ):




Реакция натижасида шосил бўладиган метил радикали деярли текис тузилишга эга бўлиб, реакцияга жуда тез киришади. Метил радикали углерод атоми  $sp^2$  - гибридланиш шолатида бўлиб, жуфтлашмаган электрон p орбитали  $\sigma$ - боғ текислигининг устида ва остида жойлашган:



Метил радикали  $\sigma$ - боғлари

Тармоқланган занжир тутган радикаллар барқарор бўлади. Улардаги жуфтлашмаган электрон бошқа атом ва гурушларнинг + I ва фазовий таъсирида деллоқлашади.




Радикалларнинг барқарорлиги қуйидаги қаторда ортиб боради:  $\bullet\text{CH}_3 < \bullet\text{CH}_2\text{CH}_3 < \bullet\text{CH}(\text{CH}_3)_2 < \bullet\text{C}(\text{CH}_3)_3$


**Сульфохлорлаш:** Алканлар  $\text{SO}_2$  ва  $\text{Cl}_2$  билан УБ-нур таъсирида реакцияга киришади.  $\text{R-H} + \text{SO}_2 + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{RSO}_2\text{Cl} + \text{HCl}$

Айниқса, молекуляр массаси катта бўлган алканларни сульфохлорлаш амалий ашамиятга эга:  $\text{C}_8\text{H}_{18} + \text{SO}_2 + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{C}_8\text{H}_{17}\text{SO}_2\text{Cl} + \text{HCl}$  Щосил бўлган алкан сульфохлоридлар терини ошлашда ва алкилсульфонатлар-ювиш воситалари олишда ишлатилади.


**Сульфоксидлаш:** Алканлар  $\text{SO}_2$  ва  $\text{O}_2$  билан УБ-нур таъсирида реакцияга киришиб алкансульфонларни щосил қилади:




**Нитролаш.** Алканлар суюлтирилган нитрат кислота ёки азот оксидлари билан қиздирилса нитробирикмаларни беради:



Метанга суюлтирилган нитрат кислота таъсир эттирилганда деярли фақат нитрометан щосил бўлади:




Аммо, этан, пропан, бутан ва бошқалар нитроланса нитробирикмаларнинг аралашмаси щосил бўлади:




Нитробирикмалар аминобирикмаларни синтез қилишда ишлатилади.


**Оксидлаш.** Алканлар кислородда ёниб  $\text{CO}_2$  ва сувни беради.




Алканларни кислород билан катализаторлар иштирокида оксидлаб турли органик бирикмалар олиш мумкин:



Бутан шаво кислороди билан ваннадий оксиди, вольфрам метали иштирокида юқори шароратда оксидланса озиқ-овқат мащсулотлари учун ишлатиладиган сирка кислота щосил бўлади:



Агар оксидлаш шаво кислороди билан  $\text{Mn}(\text{OCOR})_2$  иштирокида олиб борилса карбон кислоталарнинг аралашмаси щосил бўлади:



**Ишлатилиши:** Алканлар арзон ёқилғи ва кимё саноатида кўп тонналаб ишлаб чиқариладиган машсулотлар учун хом ашёдир. Нефтни қайта ишлаб, мотор ва реактив ёқилғи олинади. Алканлардан алкенлар-этилен, пропилен, бутенлар синтез қилинади.

**Назорат саволлари:**

1. n-Декан, 2,5-диметилгексанларни синтез қилиш реакция тенгламаларини ёзинг.
2. Нефтдан қандай алканларни олиш мумкин.
3. Изоамилбромид ва этилбромиддан Вюрц реакцияси бўйича алкан синтез қилинг.
4. Таркиби  $C_8H_{18}$  бўлган алкан бирламчи галоид алкилдан Вюрц реакцияси бўйича битта модда сифатида шосил бўлади, уни моноконтроланса, учламчи нитробирикма шосил бўлади  $C_8H_{18}$  ни тузилишини аниқланг.
5. Гексанни хлорлаш ва нитролаш реакция тенгламаларини ёзинг.


**Адабиёт:**


1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вёсшая школа». 1990. С. 89-109, 368-370.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1978. С. 66-71.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 91-116.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 100-112.
5. Дж. Марч Органическая химия М.: «Мир». 1987. Т.3. С.57-131.
6. Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: «Мир». 1974. С.42-67.
7. К.Н.Ахмедов, Ш.Й.Йўлдошев Органик кимё усуллари 1 қисм. Т.: «Университет». 1998. 3-13.

**Маъруза № 4. Алкенлар. Изомерланиши, номланиши, олиш усуллари**


*Алкенларни изомерланиши, номланиши. +ўш боғни шосил қилиш усуллари: алканлардан дегидрогенлаш, алкинларни қисман гидрогенлаш, спиртларни дегидратлаш, тўртламчи аммоний тузларини парчалаш*

Молекуласида кўш боғ тутган углеводородларга *алкенлар* (олефинлар) дейилади. Гомологик қаторнинг умумий формуласи  $C_nH_{2n}$ . Гомологик қаторга қуйидагилар мисол бўлади:  $C_2H_4$ ,  $C_3H_6$ ,  $C_4H_8$ ,  $C_5H_{10}$ ,  $C_6H_{12}$ . Алкенларнинг биринчи вакили *этилен*дир. Этиленнинг водородларини алкил гурушларга алмаштирилса, унинг гомологик қатори шосил бўлади. М-н: этилен водородини метил радикалига алмаштирилса метилэтилен шосил бўлади. Метилэтиленда уч хил водородлар бўлиб, уларни  $CH_3$  га алмаштирилса учта алкен шосил бўлади: этилэтилен  $CH_3CH_2CH=CH_2$ , сим. диметилэтилен  $CH_3CH=CHCH_3$ , носим. диметилэтилен  $(CH_3)_2C=CH_2$ . Бу алкенлар бир-бирига изомердир. Алкен бирикмаларни рационал номенклатурада номлаш учун этилен асос қилиб олинади ва радикалларнинг номи кўшиб ёзилади. Алкенларни систематик номенклатурада номлаш учун тегишли алканнинг *-ан* кўшимчаси *-ен* га алмаштирилади. Алкенларни номлаш учун узун занжир танлаб олинади ва кўш боғ яқин томондан номерланади:






Алкенил радикаллар куйидагича номланади:




Алкенларда уч хил изомерия мавжуд:

1.Занжирдаги қўш боғнинг шолатини ўзгариши шисобига изомерлар шосил бўлади:  $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{CH}=\text{CH}_2$ ,  $\text{CH}_3\text{CH}=\text{CHCH}_3$

2.Занжирни тармоқланиши шисобига изомерлар шосил бўлади:




3.+ўш боғга нисбатан ўринбосарларнинг жойлашиши шисобига фазовий изомерлар шосил бўлади:




Три- ва тетра алмашган алкенларни цис- ва транс- изомерларини белгилаш учун E, Z системадан фойдаланилади. Бунинг учун қўш боғли углерод атомидаги ўринбосарларнинг катта кичиклиги аниқланади, каттаси 1, кичкинаси 2 билан белгиланади. Агар катта ўринбосарлар π-боғ текислигининг бир томонида бўлса Z (цис-), икки томонида жойлашган бўлса E (транс-) деб белгиланади. Алкен молекуласидаги ўринбосарларни катта кичиклиги аниқланади. Радикалларнинг катта кичиклиги куйидаги қаторда ортиб боради:



Галогенларнинг катта кичиклик қатори куйидагича  $\text{H} < \text{F} < \text{Cl} < \text{Br} < \text{I}$ . Шу қоидаларни шисобга олиб алкенни куйидагича номлаш мумкин:




Z-3-метил-4-этилгептен-3 (цис)




E-3-метил-4-этилгептен-3 (транс)


**Олиш усуллари.** 1. Тўйинган углеводородлардан дегидрогенлаш орқали олиш:



2. Спиртларни дегидратлаш усули билан олиш:




Катализатор сифатида  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{H}_3\text{PO}_4$  ва  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ишлатиш мумкин. Иккиламчи бутил спиртидан  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ёрдамида бутен-2 олинади:




Реакция *Зайцев А.М.* қоидаси бўйича кетиб, водород водороди кам углерод атомидан кетади.

3. Молекуласида битта углерод атоми тугган бирикмалардан алканлар, алкенлар ва ароматик бирикмаларни олиш мумкин. Бунинг учун цеолит катализаторидан фойдаланилади:




Углерод(II)- оксидини темир, кобальт, никел катализаторлари иштирокида қайтарилса алканлар ва алкенларнинг аралашмаси шосил бўлади:



Агар катализатор сифатида кобальт олинса алкеннинг унуми 80% га етади.

4. Алкенларни моно- ёки дигалогенли бирикмалардан ишқорнинг концентратланган ёки спиртдаги эритмаси таъсирида олиш мумкин:




Дигалогенли бирикмалардан рух метали ёрдамида қиздириш орқали алкен олинади:  $\text{R-CHX-CHX-R} + \text{Zn} \rightarrow \text{R-CH}=\text{CH-R} + \text{ZnX}_2$

5. Тўртламчи аммоний асосларидан қиздириб алкен олинади:



6. Диен ва алкинларни селектив катализаторлар ишпирокида водород билан қайтариб алкен олинади:



7. Нефтни *крекинг* қилишда шосил бўладиган мащсулотларни босим остида шайдаб алкенлар олинади.

8. Кўмирни кокслаш жараёнида шосил бўладиган газлардан шайдаб алкенлар олинади.

#### Назорат саволлари:

+уйидаги алкенларни тузилиш формулаларини ёзинг: 3-метилпентен-1, 2,3,5-триметилгексен-2, симм-метилэтилэтилен, носимм-дипропилэтилен.

$\text{C}_4\text{H}_8$ ,  $\text{C}_5\text{H}_{10}$  ва  $\text{C}_6\text{H}_{12}$  ларнинг изомерларини тузилиш формулаларини ёзинг ва систематик номенклатурада номланг.

3-бром-2,2-диметилпентан ва 3,4-дибром-2,2-диметилпентандан қандай реагентлар таъсир эттириб алкен олиш мумкин.

Галоидалкил ва бир атомлик спиртлардан носимметрик- диметилэтилен, триметилэтилен ва 3-метилгексен-1 ларни синтез қилиш реакция тенгламаларини ёзинг.

$\text{CH}_3\text{CH}_2(\text{CH}_3)\text{C}(\text{CH}_2\text{CH}_3)(\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_3)$  нинг цис- ва транс- изомерларини тузилиш формулаларини ёзинг ва номланг.

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С. 102-106.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 260-265.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 171-194.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 294-300.
5. Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: «Мир». 1974. С.143-210.

#### Маъруза № 5. Алкенларнинг хоссалари ва ишлатилиши


*Алкенларнинг физик ва кимёвий хоссалари. Электрон тузилиши. Углерод-углерод богининг табиати Электрофил реагентларнинг бирикishi. Электрофил бирикishi. реакциясининг механизми. ( $\pi$  ва  $\delta$  - комплекслар). Марковников қондаси. Электрофил бирикishининг фазовий кимёси. Алкенларга радикал бирикishi (Караиш эффекти). Алкенларни гидрогенлаш ва оксидлаш реакциялари. Ишлатилиши*

Этилен, пропилен ва бутиленлар оддий шароитда ўткир шидли газ моддалар.  $\text{C}_5$  дан бошлаб суоқ моддалар. Этилен кутбланмаган модда, пропиленнинг дипол моменти  $0.30 \mu\text{D}$ , изобутиленники эса  $0,49 \mu\text{D}$  га тенг. Цис- ва транс- изомерлар физик доимийликлари билан бир-биридан фарқ қилади.


Алкен молекуласидаги электронни тортиб олиш энергияси ионланиш энергияси (ИЭ) дейилади. Бу жараёни қуйидагича ёзиш мумкин:




Умуман,  $\pi$ -орбиталнинг электронлари атом ядросидан узоқроқда жойлашган бўлиб, шаракатчан ва  $\sigma$ -орбиталнинг энергиясидан кичик. Шунинг учун алкенларнинг ИЭ алканларникидан кичик. Этилен углеводородларда углерод  $sp^2$  гибридланиш шолатида бўлади. Битта  $2s$  ва 2 та  $2p$  орбиталлари гибридланади ва 3 та эквивалент гибридланган  $sp^2$ -орбиталларни шосил қилади. Гибридланган орбиталлар тенг ёнли учбурчак шаклида бўлиб, учбурчакнинг марказида углерод атоми ётади ва орбиталлар учбурчакнинг учларига йўналган бўлиб, орасидаги бурчак  $120^\circ$  га тенг. Этилен молекуласи шосил бўлганда углерод атомининг  $sp^2$  гибридланган орбитали иккинчи углерод атомининг  $sp^2$  гибридланган орбиталини максимал қоплайди ва  $\sigma$ -боғни шосил қилади. Углерод атомларининг  $sp^2$  орбиталлари водород атомларининг  $1s$  орбиталларини қоплайди ва C-H  $\sigma$ -боғларни шосил қилади ва бир текисликда ётади.




Гибридланмаган  $2p$  орбиталларнинг гантел кўринишдаги шаклининг бир қисми этилен молекуласи ётган текислик устида ва остида ётади ва бир-бирини қоплаб,  $\pi$ -боғни шосил қилади:



+ўш боғнинг узунлиги 0,133 нм ва C-H боғ узунлиги 0,108 нм га тенг.




Алкенлар электрофил реагентлар билан  $\pi$ -,  $\sigma$ -комплекслар шосил қилиб реакцияга киришади:




Алкенлар фтор, хлор, бром, йод билан осон реакцияга киришади. Фтор реакцияга шиддатли киришади, шатто портлаш рўй бериши мумкин. Йод билан реакция секин боради. Бромлаш алкен молекуласида кўш боғ борлигини исботлаш учун сифат реакция шисобланади. Реакцияда бромнинг ранги ўзгаради:



Алкенлар Н-электрофиллар билан осон реакцияга киришади. Носимметрик алкенларга Н-Х бирикканда водород водороди кўп углерод атомига, галоген эса водород кам углерод атомига бирикади (*Марковников В.В.*):




Реакция икки босқичда боради. Биринчи босқичда протон алкенга бирикади ва иккиламчи карбокатион шосил бўлади:




Иккинчи босқичда нуклеофил билан таъсирлашади ва реакция машсулотини беради:




Пероксидлар иштирокида HBr пропиленга тескари бирикади (*Караиш эффекти*):



Алкенларни гидрогенлаш. Алкенларни водород билан Pt, Pd, Ni иштирокида қайтарилса алканлар шосил бўлади:




Алкенларни оксидлаш. Алкенларни оксидлаганда оксидловчиларнинг кучли ёки кучсиз эканлигига қараб шар хил бирикмалар шосил бўлади. Шаво кислороди шисобига оксидланганда гидропероксидлар шосил бўлади:




Этилен шаво кислороди билан кумуш катализатор иштирокида оксидланса этилен оксидини беради:







Этилен ва унинг гомологлари надкислоталар билан оксидланса шам оксидлар щосил бўлади:




Алкенларни калий перманганатнинг эритмаси билан оксидланса гликолларни беради:



Алкенлар озон билан таъсирлашиб озонидларни беради. Озонидлар сув билан осон парчаланиб, альдегид ва кетонларни щосил қилади:



Этилен ва унинг гомологларидадан полимерлар олиш мумкин:



**Ишлатилиши:**  $\text{C}_2\text{H}_4$ ,  $\text{C}_3\text{H}_6$ ,  $\text{C}_4\text{H}_8$  ни гликоллар, оксидлар, спиртлар, сирка альдегиди, сирка кислота, дивинил ва полимерлар олиш учун ишатилади.

**Назорат саволлари:**

- 7 грам кўш боғли углеводородга 16 грам бром бирикади. Углеводороднинг молекуляр массасини аниқланг.
- +уйидаги изомер бирикмаларни-2-метилгептен-3 ва 2-метилгептен-2 қандай реакциялар орқали фарқлаш мумкин.
- Таркиби  $\text{C}_8\text{H}_{18}\text{O}$  бўлган спиртнинг иккита изомери дегидратлаш реакциясига учратилса бир хил алкен щосил бўлади. Алкенни оксидланса ацетон ва валериан кислота  $\text{CH}_3-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{COOH}$  щосил бўлади. Дастлабки спиртларнинг тузилиш формулаларини ёзинг.
- Трифторпропенга  $\text{CF}_3-\text{CH}=\text{CH}_2$  бромид кислотанинг бирикиши Марковников қоидасига тескари боради. Бунинг сабабини тушунтиринг.
- Этиленнинг бром билан реакциясини метил спиртида олиб борилса  $\text{CH}_2\text{Br}-\text{CH}_2\text{Br}$  билан бирга  $\text{CH}_2\text{Br}-\text{CH}_2-\text{OCH}_3$  щосил бўлади. Реакция тенгламасини ёзинг ва тушунтиринг.
- Таркиби  $\text{C}_4\text{H}_8$  алкеннинг изомерларини озонлашдан щосил бўлган бирикмаларни сув билан парчаланса қандай моддалар щосил бўлади.
- Алкенларни ишлатиш сощаларига мисоллар келтиринг.

**Адабиёт:**

- О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С. 106-158.



2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 265-277.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 174-235.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 299-354.
5. З. Гауптман, Ю. Грефе, Х. Ремане Органическая химия. М.: «Химия». 1979. С.225-234.
6. Дж. Марч. В 4 Т. М.: «Мир». 1987. Т.3. С.132-157.
7. +.Н. Ахмедов, Х.Й. Йўлдошев Органик кимё усуллари. I-қисм. Т.: «Университет». 1998. 44-53 б.

### Маъруза № 6. Диен углеводородлар



*Диенларнинг номланиши, синфланиши, изомерланиши. Диенларни олиши усуллари. 1,3-диенлар. Конъюгирланган қўш боғларининг электрон тузлиши. Аллен туридаги диенлар. Тузлиши. Диенларнинг кимёвий хоссалари: галогенларнинг, водород галогенидларнинг электрофил бирикиши. Диен синтези. Полимерланиш реакциялари. Табиий ва сунъий каучук. Диенларнинг ишлатилиши*

Молекуласида иккита қўш боғ тугган бирикмаларга *диен* углеводородлар дейилади. Умумий формуласи  $C_nH_{2n-2}$ . Молекулада қўш боғнинг бир-бирига нисбатан жойлашишига қараб, диенлар уч турга бўлинади.

1. Аллен туридаги диен углеводородлар. М-н:



2. Конъюгирланган боғ тугган диен углеводородлар. М-н:




3. Ажратилган қўш боғ тугган диен углеводородлар. +ўш боғлар бир-бирдан ( $CH_2$ ) гурушлар орқали ажратилган бўлади.




Бу тур бирикмалар ўзининг хоссалари билан алкенларга ўхшаб кетади.

Диенлар табиатда полимер шоида учрайди. Айниқса исмалоқ ўти, гевея дарахтининг ширасида изопрен каучук шоида учрайди. Диенлар асосан синтез қилиб олинади.



1. Аллен туридаги диенлар олишнинг умумий усули:




2. Ажратилган қўш боғ тутган диенларни аллил галогенидларга металллар таъсир этириб олинади:




3. Конъюгирланган қўш боғ тутган диенларни синтез қилиш усуллари. а) Алканлардан дегидрогенлаш билан олиш:




б) Гликоллардан олиш:




в) Ацетилен асосида диенлар олиш:




г) Пропилендан ва чумоли альдегидидан синтез қилиш.






д) Лебедев С.В. усули бўйича олиш:




Аллен, дивинил, изопрен газ моддалар. Аллен молекуласи ўзига хос тузилишга эга бўлиб, ундаги тўртта водород атомлари иккита ўзаро перпендикуляр текисликларда ётади. Учта углерод атомлари шар хил гибридланиш шолатида бўлиб, тўғри чизикда ётади:




Аллен туридаги диенлар бирикиш ва полимерланиш реакцияларига осон киришади:



Бу диенлар ичида конъюгирланган боғ туган бирикмаларнинг ащамияти катта. Бундай диен бирикмаларнинг иккита қўш боғи битта қўш боғдек реакцияга киришади. Бу боғларнинг узунлиги оддий ва қўш боғларнинг узунлигидан фарқ қилади:




Диенлар учун бирикиш реакцияси характерли:





Реакциянинг боришига эритувчи, шарорат ва реагент таъсир қилади.


Гидрогенлаш. 1,3-Алкадиенларни алкенларга ёки алканларгача қайтариш мумкин.




Алкадиен-1,3 га электрофил реагентлар осон бирикади:



Диенларнинг полимерланиши натрий метали ёки металлорганик бирикмалар таъсирида боради:



Табиий каучук цис-полиизопреннинг полимеридир:



Диен углеводородлар асосан синтетик каучук олиш учун ишлатилади.

#### Назорат саволлари:

1. уйидаги углеводородларнинг тузилиш формулаларини ёзинг: бутадиен-1,2, бутадиен-1,3, изопрен, диаллил, цис-пентадиен-1,3, цис-цис-гексадиен-2,4, транс-транс-гексадиен-2,4.
2. Аллил бромид ва 3-бромбутен-1 дан натрий метали таъсирида қандай диен синтез тқилиш мумкин.
3. Диен углеводородга хлорнинг бирикишидан 2,5-дихлоргексен-3 шосил бўлади. Да-стлабки диен формуласини ёзинг ва номланг.
4. 2-метилбутадиен-1,3 нинг водород, бром, водород бромид билан реакцияларини ёзинг ва шосил бўлган бирикмаларни номланг.
5. Табиий каучукни куруқ шайдашдан молекуляр формуласи  $\text{C}_5\text{H}_8$  бўлган углеводород олинди. Бу углеводородни 2-метилбутадиен-1,3 эканлигини қандай исботлаш мум-кин.

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С. 130-143.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 286-302.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 286-305.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 495-535.
5. +.Н. Ахмедов, Х.Й. Йўлдошев Органик кимё усуллари. I-қисм. Т.: «Университет». 1998. 53-55 б.

## Маъруза №7. Алкинлар, номланиши ва олиш усуллари

*Алкинларнинг номланиши ва изомерланиши. Уч боғни щосил қилиш усуллари. sp-гибридланиш тушунчаси асосида уч боғни тушунтириш. Алкинларнинг физик хоссалари*

Молекуласида уч боғ тутган углеводородлар алкинлар ёки *ацетилен* углеводородлар дейлади. Алкинларнинг гомологик қатори ацетилендан бошланади. Умумий формуласи  $C_nH_{2n-2}$ .

Ацетилен қатори бирикмаларида изомерланиш бутиндан бошланади ва уч боғнинг щолати билан фарқ қилади.  $C_5H_8$  дан бошлаб эса изомерланиш углерод скелети билан боғлиқ бўлади.

Систематик номенклатурада ацетилен углеводородларини номлаш учун тўйинган углеводородларнинг *-ан* қўшимчаси *-ин* га алмашпирилади. Узун занжир танлаб олинади ва уч боғ четга яқин томондан номерланади.


Рационал номенклатурада номлаш учун ацетилен гомологларини ацетиленнинг щосиласи деб қаралади:

$CH\equiv CH$	этин, ацетилен
$CH_3-C\equiv CH$	пропин, метилацетилен
$\begin{array}{cccc} 4 & 3 & 2 & 1 \\ CH_3-CH_2-C\equiv CH \end{array}$	бутин-1, этилацетилен
$\begin{array}{cccc} 4 & 3 & 2 & 1 \\ CH_3-C\equiv C-CH_3 \end{array}$	бутин-2, диметилацетилен
$\begin{array}{cccc} 5 & 4 & 3 & 2 & 1 \\ CH_3-CH_2-CH_2-C\equiv CH \end{array}$	пентин-1, пропилацетилен
$\begin{array}{cccc} 5 & 4 & 3 & 2 & 1 \\ CH_3-CH_2-C\equiv C-CH_3 \end{array}$	пентин-2, метилэтилацетилен
$\begin{array}{cccc} 4 & 3 & 2 & 1 \\ CH_3-CH-C\equiv CH \\   \\ CH_3 \end{array}$	3-метилбутин-1, изопронилацетилен


Алкин радикалларини номлаш учун унинг номига *-ил* қўшимчаси қўшилади:

$CH\equiv C-$  этинил,  $\begin{array}{ccc} 3 & 2 & 1 \\ CH_3-C\equiv C- \end{array}$  пропинил-1,  $\begin{array}{cc} 3 & 2 & 1 \\ H-C\equiv C-CH_2- \end{array}$  пропинил-2 (пропаргил) радикаллари



Оддий ацетилен бирикмалар табиатда эркин щолда учрамайди. Аммо мураккаб полиинлар ўсимликларнинг гулларида учрайди:




Ацетилен ва унинг гомологлари синтез қилиб олинади. Саноатда ацетилен метан ва этандан синтез қилинади:





Металларнинг карбидларидан сув таъсир эттириб олинади:



Галогеналканларга KOH + спирт эритмасини таъсир эттириб олиш:




Ацетиленнинг гомологлари ацетилендан ёки алкилацетилендан олинади:




Алкилацетиленнинг галогеналкан билан реакцияси PdCl<sub>2</sub> катализаторлигида олиб борилса, ацетиленнинг янги гомологи шосил бўлади:




*Иоцич* комплекси ёрдамида олиш. Бунинг учун ацетиленга *Гриньяр* реактиви таъсир қилинади:



Синтез қилинган комплексга галогеналкан қўшиб қиздирилади:



Этин, пропин, бутинлар газ, C<sub>5</sub>H<sub>10</sub> дан бошлаб эса сувоқ моддалар. Ацетиленнинг ионланиш энергияси (ИЭ) 11,4 эВ этиленга (10,4 эВ) нисбатан катта бўлиб, бу ундаги электрон кучлик боғланганлигини билдиради. Ацетилен молекуласи кутбланган эмас, аммо унга бирор алкил гуруш киритилса, у кутбланади ва дипол моментга эга бўлади:





Ацетилен бирикмаларининг d<sub>4</sub><sup>20</sup> à n<sub>D</sub><sup>20</sup> лари алкенларга нисбатан юқори. C<sub>2</sub>H<sub>2</sub> сувда яхши эрийди (1,15:1), ацетонда 25:1 ва ДМФА 33,5:1. Босим остида 1шажм ацетонда 300 шажм C<sub>2</sub>H<sub>2</sub> эрийди. C<sub>2</sub>H<sub>2</sub> тутаб ёнади. C<sub>2</sub>H<sub>2</sub> кислород оқимида ёнганда аланганинг иссиқлиги 3150<sup>0</sup> етади. У қирқиш ишларида ишлатилади. Ацетилен термодинамик қарорсиз модда у турткидан портлайди.

#### Назорат саволлари:

+уйидаги алкинларнинг тузилиш формулаларини ёзинг: изопропилацетилен, этил-трет-бутилацетилен, 2,6-диметил-5-этил-3-пропилнонин-1.

+уйидаги бирикмаларни номланг:



3. Таркиби  $C_7H_{12}$  алкиннинг асосий занжирида 5 та углерод атоми туган изомерларини тузилиш формулаларини ёзинг ва номланг.
4. Бутин-1 натрий амид ва этил йодиддан қандай алкин олиш мумкин.
5. 3,3-дихлорпентан, 2,2-дибром-3,3-диметилбутандан ишқорнинг спиртдаги эритмасини таъсир эттириб, қандай алкинлар олиш мумкин.


**Адабиёт:**

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Ву́сшая школа». 1990. С. 144-149.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 277-279.
3. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 355-362.
4. Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: «Мир». 1974. С.229-234.
5. З. Гауптман, Ю. Грефе, Х. Ремане Органическая химия. М.: «Химия». 1979. С.249-251.
6. +.Н. Ахмедов, Х.Й. Йўлдошев Органик кимё усуллари. I-қисм. Т.: «Университет». 1998. 55-57 б.

**Маъруза № 8. Алкинларнинг кимёвий хоссалари**


*Алкинларнинг кимёвий хоссалари. Электрофил бирикши реакцияси. Механизми. Алкинларни цис- ва транс-алкенларгача қайтариши. Галоген ва сувнинг бирикшиши. Галоген водородларнинг бирикшиши. Алкин ва моноалкинларнинг кислоталилик хоссаси. Ишлатилиши*

Алкинларда углерод атомлари sp-гибридланиш шолатида бўлади. Битта 2s ва битта 2p орбиталлар гибридланади ва иккита эквивалент гибридланган чизикли sp-орбиталларни шосил қилади. Молекула шосил бўлганда углерод атомининг sp-гибридланган орбитали иккинчи углерод атомининг sp-гибридланган орбиталини максимал қоплайди ва ва C-C  $\square$ -боғни шосил қилади. Шър бир углерод атомининг иккинчи sp-орбитали водород атомларининг 1s-орбиталлари билан қопланади ва C-H  $\square$ -боғни шосил қилади.  $C_2H_2$  молекуласи битта чизикда ётади ва sp-гибридланган орбиталлар орасидаги орасидаги бурчак  $180^\circ$  га тенг. Шър бир углерод атомининг иккитадан электронлари иккита гибридланмаган 2p-орбиталларда жойлашади ва бу орбиталлар бири-бирини қоплаб, иккита  $\pi$ -боғни шосил қилади:




Алкинлар H-электрофиллар-HX,  $H_2SO_4$ ,  $X_2$  билан реакцияга киришади. Бу реакцияни умумий шолда қуйидагича ёзиш мумкин:





Аммо алкинларда борадиган электрофил бирикиш реакциялари алкенларга караганда ёмонроқ боради. Бунинг қуйидаги сабаблари бор:

1. Алкинларда углерод-углерод боғи орасидаги масофа қисқарган бўлганлиги сабабли, 2p-орбиталларининг бир-бирини қоплаши ён томондан ортади:




2. 2p-орбиталдаги 2 та жуфт  $\pi$ -электронлар ўзаро таъсирлашади ва натижада бир бутун симметрик цилиндр шаклига ўхшаш  $\pi$ -электронлар системасини шосил қилади.

3. Углерод атомлари sp-гибридланиш шолатида бўлганда  $sd^2$ -гибридланиш шолатидаги углерод атомларига нисбатан электроманфий бўлиб қолади. Бу эса  $\pi$ -электронларнинг электрофил реагентларга нисбатан реакцияга киришиш қобилиятини сусайтиради. Шунинг учун алкинларда борадиган электрофил реакциялар асосан катализатор ишлатишни талаб этади.

Ацетиленга HCl секин бирикади:




Унинг гомологларининг HCl билан реакцияси осонроқ боради. Бирикиш Марковников қоидаcига биноан боради:




Ацетиленга цианид кислотасининг бирикишидан акрилнитрил шосил бўлади:





$X_2$ - галогенлар ҳам секин бирикади ва цис-, транс-дигалогеналкенларнинг аралашмасини беради:




Сувнинг бирикиши  $HgSO_4$  ва  $H_2SO_4$  иштирокида боради:




Оксидлаш: Алкинларни  $KMnO_4$  билан оксидланса карбон кислоталар ёки  $\alpha$ -дикетонлар шосил бўлади:





Ацетилен бирикмалари шаво кислороди ва бир валентли мис тузлари иштирокида оксидланса *диинлар* шосил бўлади:






+айтариш: қайтариш натижасида цис-ва транс-алкен мащсулотлар шосил бўлади:





Алкинлар боргидридлар билан реакцияга осон киришади. Реакциянинг 1-боскичида борнинг моналкенил бирикмаси шосил бўлади. Уни ишқорий шароитда водород пероксид билан оксидлаб альдегид ёки кетонлар олинади:




Ацетилен ва алкилацетиленларнинг С-Н боғлари шисобига кучли асослар иштирокида ацетиленид шосил қилади:



Оғир металлларнинг ионлари кам эрийдиган ацетиленидлар шосил қилади:



Ацетилен ва унинг гомологлари КОН иштирокида альдегид ва кетонлар билан спиртларни беради:



Ацетилен саноатда кўп синтезларда хом ашё сифатида ишлатилади. Ацетилен ва унинг гомологларидан альдегидлар, кетонлар, полимерлар ва синтетик каучуклар олинади.

#### Назорат саволлари:

1. Нима учун ацетилен ва метилацетилен кислотали хоссага эга.
2. Диметилацетилен бромланса асосан қандай бирикма ҳосил бўлади.
3. Диметилацетилен ва бутин-1 ларни бир-биридан қандай реакциялар ёрдамида ажратиш мумкин.
4. Ацетилендан фойдаланиб, метилацетилен, 4-метилпентин-1 ва 5-метилгексин-2 ларни синтез қилинг.
5. Этилацетиленнинг водород бромид билан билан реакцияси бензоил пероксиди иштирокида олиб борилса, қандай монобромалкен ҳосил бўлади.
6. Таркиби  $\text{C}_4\text{H}_6$  бўлган углеводород икки молекула бромни бириктиради, мис оксидининг аммиақли эритмаси билан реакцияга киришмайди. Бу углеводород сув билан сульфат кислотаси иштирокида қайнатилса, метилэтилкетон ҳосил бўлади.  $\text{C}_4\text{H}_6$  нинг тузилиш формуласини аниқланг.

#### Адабиёт:

1. О.Я. Нейланд Органическая химия. М.: «Ву́сшая школа». 1990. С. 147-159.
2. А.Н. Несмеянов, Н.А. Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 280-286.
3. Дж. Робертс, М. Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 241-250.
4. А. Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 356-383.
5. З. Гауптман, Ю. Грефе, Х. Ремане Органическая химия. М.: «Химия». 1979. С. 352-357.
6. +.Н. Ахмедов, Х.Й. Йўлдошев Органик кимё усуллари. I-қисм. Т.: «Университет». 1998. 55-61 б.

#### Маъруза № 9. Галоидалкиллар изомерланиши, олиш усуллари

*Углеводородларнинг галогенли ҳосилалари. Алифатик қатор углеводородларнинг моногалогенли ҳосилалари. Номланиши, синфланиши, изомерланиши. Галоидалкилларни саноат, лабораторияда олиш усуллари*

Углеводородларнинг галогенли бирикмаларини классификация қилишда углерод атомининг гибридланиши асос қилиб олинади. Гибридланиш  $sp^3$ ,  $sp^2$ ,  $sp$  бўлганлиги учун углерод атомининг атрафида ўринбосарларнинг фазовий жойлашиши тетраэдрик, тригонал, диагонал бўлади.

I.  $\text{C}_{(sp^3)}$ -X боғли галоидбирикмалар:  $\text{RCH}_2\text{-X}$ ,  $\text{RCHXR}$ ,  $\text{R}_3\text{CX}$ ,  $\text{RCX}_3$ ,  $\text{RCHX}_2$ ,  $\text{CX}_4$

II.  $\text{C}_{(sp^2)}$ -X боғли галоидбирикмалар:  $\text{R}_2\text{C}_k\text{CRX}$


III.  $\text{C}_{(sp)}$ -X боғли галоидбирикмалар:  $\text{R-C}\equiv\text{C-X}$

Бу бирикмалар бир-биридан ўзларининг физикавий ва кимёвий хоссалари билан кескин фарқ қилади.

**Биринчи тур  $C_{(sp^3)}-X$  галоидбирикмалари.** Тўйинган углеводородларнинг битта ёки бир неча водородларининг галогенга алмашишидан галогенли бирикмалар шосил бўлади.  $CH_3Br$ ,  $CH_2Br_2$ ,  $CHBr_3$ ,  $CBr_4$ ,  $CH_3CH_2I$ ,  $CH_2ClCH_2Cl$ ,  $CCl_3CCl_3$ .


Галогенли бирикмаларда изомерланиш углеводород скелетининг тузилишига ва занжирдаги галоген атомининг шолатига боғлиқ. Изомерланиш қаторнинг учинчи аъзосидан бошланади. Оддий галогенли бирикмаларни номлаш учун радикалнинг номига галоиднинг номи қўшиб айтилади:  $CH_3Cl$  - метил хлорид,  $CH_3CH_2Cl$  - этил хлорид,  $CH_3CH_2CH_2Br$  - пропил бромид,  $CH_3(CH_3)CHBr$  - изопропил бромид ва шокозо. Айрим галогенли бирикмаларни тасодифий номда номлаш мумкин:  $CHCl_3$  - хлороформ,  $CHBr_3$  - бромформ,  $CHI_3$  - йодоформ. Тўла галогенланган углеводородларни номлаш учун *пер*-қўшимчаси қўшилади.  $C_2F_6$ -перфторэтан,  $C_3Cl_8$ -перхлорпропан,  $C_5F_{12}$ -перфторпентан.

Галогенуглеводородларни номлаш учун энг узун занжир танлаб олинади ва углевод атомлари номерланади. Сўнгра алфавит тартибда ўринбосарларнинг номи ёзилади:




Галогенбирикмалар табиатда соф шолда учрамайди. Улар турли усуллар билан билан синтез қилинади.


Саноат усуллари. Саноатда алканларни юқори шароратда хлорлаш олиб борилади:



Реакция натижасида хлорли бирикмаларнинг аралашмаси шосил бўлади. Бу аралашмани шайдаб тоза моддалар ажратиб олинади ёки аралашманиннг ўзи ишлатилади. Техник жишадан мушим галогенли бирикмалар ацетилендан ва этилендан олинади:



Фторли бирикмалр эса хлорметан ва тетрахлорметандан фторнинг металл тузларидан куйидагича олинади:




Мушмим полифторли бирикмалар тўйинган углеводородлардан кобальт фторид таъсирида синтез қилинади:



Галогенли бирикмалар лабораторияда қуйидаги усуллар билан синтез қилинади:


1. Айрим алканлардан олинади:




неопентан

неопентил хлорид

2. Спиртлардан олиш:



Спиртлардан  $PCl_3$ ,  $POCl_3$ ,  $PCl_5$  ва бошқалар ёрдамида олиш мумкин:  $6RCH_2OH + 2P + 3Br_2 \rightarrow 6RCH_2Br + 2P(OH)_3$




Реакция спиртнинг тузилишига қараб,  $S_N1$  ёки  $S_N2$  қилиб боради.

$R_3COH > R_2CHOH > RCH_2OH$  реакцияга киришиш қобилияти қуйидаги қаторда камайиб боради:





Тоза шолдаги алкил хлоридларни олишнинг энг яхши усули спиртларни тионил-хлорид билан реакцияси шисобланади. Реакция тез ва қўшимча мащсулот шосил қилмасдан боради:



Бу реакция  $S_N2$  механизмда боради.

3. Алкенлардан Н-электрофиллар ёрдамида олиш:



4. Карбон кислота тузларидан галоген таъсир эттириб олиш:  $RCOONa + AgNO_3 \rightarrow RCOOAg + HNO_3$



Галоидбирикмалар газ ёки сууқ моддалардир. Улар сувдан оғир ва унда эримайди. Йодли бирикмалардан фторли бирикмаларга ўтган сари қайнаш шарорати камаяди:  $RI > RBr > RCl > RF$

Бирламчи галоидалкиллларнинг физик константалари

Формуласи ва номи	+айнаш шарорати, °C	Формуласи ва номи	+айнаш шарорати, °C	Формуласи ва номи	+айнаш шарорати, °C
$CH_3Cl$ йодёё бейёё	-23,7	$CH_3Br$ йодёё бромёё	+3,6	$CH_3I$ йодёё йодёё	42,5

C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> Cl этил хлорид	+12,4	C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> Br этил бромид	38,4	C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> I этил йодид	72,3
C <sub>3</sub> H <sub>7</sub> Cl пропил хлорид	46,6	C <sub>3</sub> H <sub>7</sub> Br пропил бромид	71	C <sub>3</sub> H <sub>7</sub> I пропил йодид	102,5
C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> Cl бутил хлорид	78,5	C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> Br бутил бромид	101,6	C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> I бутил йодид	130,4
C <sub>5</sub> H <sub>11</sub> Cl амил хлорид	108,4	C <sub>5</sub> H <sub>11</sub> Br амил бромид	127,9	C <sub>5</sub> H <sub>11</sub> I амил йодид	154,2

Галоидбирикмаларнинг H<sub>3</sub>C<sup>δ+</sup>-X<sup>δ-</sup> боғи қутбланган.

#### Назорат саволлари:

Органик моддалар таркибидаги галогенни қандай аниқлаш мумкин.

C<sub>4</sub>H<sub>9</sub>I, C<sub>4</sub>H<sub>8</sub>NI<sub>2</sub>, C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>BrCl, C<sub>3</sub>H<sub>4</sub>Br<sub>2</sub>, C<sub>3</sub>H<sub>5</sub>Br<sub>3</sub>, C<sub>2</sub>H<sub>2</sub>NI<sub>4</sub>, галогели бирикмаларнинг изомерлари тузилиш формулаларини ёзинг.

2,3-дихлорбутандан 2,2-дихлорбутан синтез қилиш реакция тенгламасини ёзинг.

Ацетилендан винил хлорид, трихлорэтилен, тетрахлорэтан синтез қилиш реакция тенгламаларини ёзинг.

C<sub>5</sub>H<sub>11</sub>OH спиртнинг изомерларини ёзинг ва PBr<sub>3</sub> билан амил бромидлар синтез қилинг.

Оптик фаол бутил спиртидан қандай реагент таъсир эттириб, оптик фаол бутил хлорид олиш мумкин.

Изобутиленга HBr нинг бензоил пероксиди иштирокидаги реакциядан қандай бутил бромид шосил бўлади. Реакция боришини изошланг.

#### Адабиёт:


1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Ву́сшая школа». 1990. С. 219-228, 236-240, 245-248.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 75-80.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 315-370.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 356-383.
5. З. Гауптман, Ю. Грефе, Х. Ремане Органическая химия. М.: «Химия». 1979. С.283-302.
6. Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: «Мир». 1974. С.442-446.
7. +.Н. Ахмедов, Х.Й. Йўлдошев Органик кимё усуллари. I-қисм. Т.: «Университет». 1998. 14-22 б.

#### Маъруза №10. Галоидбирикмаларнинг кимёвий хоссалари

Галоидбирикмаларнинг кимёвий хоссалари. Углерод-галоген боғи қутбланишини галоген атомининг табиатига боғлиқлиги. Нуклеофил ва нуклеофиллик. Нуклеофил ал-машиниш реакциялари. S<sub>N</sub>1, S<sub>N</sub>2, S<sub>N</sub>i механизмлар ва уларнинг фазовий кимёси. Реакция маъсулотлари нисбатининг нуклеофил ва асоснинг табиатига, концентрациясига, суб-

стратнинг тузилишига, эритувчининг табиатига боғлиқлиги. Амбидент ионлар. Тўйинмаган галоидбирикмалар. Олиш усуллари, кимёвий хоссалари, ишлатилиши


Галоидбирикмаларнинг углерод-галоген боғи қутбланган бўлганлиги учун турли реакцияларга осон киришади. Бу реакциялар нуклеофил механизмда боради. Нуклеофил алмашиниш реакциясида нуклеофил реагент-Nu: ўзининг тақсимланмаган электрон жуфти билан субстрат ( $R^{\delta+}-X^{\delta-}$ ) молекуласининг электрон булути зичлиги нисбатан камайган реакция марказига шужум қилиб,  $\square$ -боғни гетеролитик узади ва углерод билан боғланган X: ни электрон жуфти билан сиқиб чиқаради:




Нуклеофилнинг шужуми билан борадиган реакцияларга нуклеофил алмашиниш реакциялари дейилади. Нуклеофил реагентлар деб, тақсимланмаган электрон жуфтини ёки қутбли боғнинг иккита боғловчи электронини реакцияларда осон бериб, электрофил билан боғ шосил қиладиган электронодонор хоссага эга бўлган заррачаларга айтилади. Буларга тақсимланмаган электрон жуфти тугган анионлар, ион жуфтлари ва кучли ионланишга миол бўлган қутбли нейтрал молекула киради. Атомлари тақсимланмаган электрон жуфтлари тугган ёки нисбатан кичик ионланиш энергиясига эга бўлган нейтрал бирикмалар шам нуклеофил бирикмаларга киради. Нуклеофил алмашиниш реакциясининг икки хил механизми бор:

1. Мономолекуляр нуклеофил алмашиниш реакциялари, белгиси  $S_N1$ ;
2. Бимолекуляр нуклеофил алмашиниш реакциялари, белгиси  $S_N2$ ; 1 сони мономолекуляр, 2 сони эса бимолекуляр реакция эканлигини билдиради.

Учламчи радикал тугган галогеналканларнинг реакцияси  $S_N1$  механизмда икки босқичда боради:




Иккинчи босқичда карбокатион нуклеофил реагент билан реакцияга киришади:



Реакциянинг тезлиги  $R_3CX$  нинг концентрациясига боғлиқ бўлади.

$v \propto k [R_3CX]$

Бирламчи галогеналканларнинг нуклеофил алмашиниш реакцияси  $S_N2$  механизмда боради. Бунга метил йодиднинг реакцияси мисол бўлади:



Реакциянинг тезлиги метил йодид ва ишқорнинг концентрациясига тўғри пропорционалдир:  $v \propto k [CH_3I] [OH^-]$

Галоидбирикмаларнинг реакцияга киришиш қобилияти хлорли бирикмалардан бромли бирикмаларга ва иодли бирикмаларга ўтган сари ортиб боради. Галоидбирикмаларни реакцияга киришиш қобилиятига қараб уч турга бўлинади:

1. Нормал реакцияга киришадиган галоид бирикмалар:  $\text{CH}_3\text{I}$ ,  $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{Br}$ ,  $(\text{CH}_3)_2\text{CHCl}$ ,  $(\text{CH}_3)_3\text{CBr}$ ;
2. Реакцияга киришиш қобилияти юқори бўлган галоид бирикмалар:  $\text{CH}_2\text{кCH-CH}_2\text{Cl}$ ,  $\text{CH}_3\text{CHкCH-CH}_2\text{Cl}$ ,  $\text{C}_6\text{H}_5\text{CH}_2\text{Cl}$ ,  $(\text{C}_6\text{H}_5)_2\text{CHBr}$ ,  $(\text{C}_6\text{H}_5)_3\text{CBr}$ ;
3. Реакцияга киришиш қобилияти ёмон бўлган галоидбирикмалар:  $\text{CH}_2\text{кCHCl}$ ,  $\text{CH}_2\text{кCHBr}$ ,  $\text{C}_6\text{H}_5\text{Cl}$ ,  $\text{C}_6\text{H}_5\text{Br}$ .

Галоидбирикмаларни реакцияга киришишдаги фарқини сезиш учун бир хил шароитда уларни гидролиз реакцияси олиб борилади. Биринчи тур галоидбирикмалари реакцияга нормал киришади. Иккинчи тур бирикмалари эса жуда осон ва учинчи тур галоидбирикмалар ёмон реакцияга киришади.


Галогеналканлардан нитробирикмалар ёки эфир олиш мумкин. Агар галогеналкан  $\text{AgNO}_2$  билан реакцияга киритилса асосан эфир шосил бўлади:




Реакция  $\text{S}_{\text{N}}1$  механизмда боради. Кумуш иони галоидбирикмадан галоидни тартиб олади ва карбокатион шосил бўлади.




Нитрат анион электрон зичлиги юқори бўлган кислород атоми билан карбокатионга шужум қилади:




Нитрит анион амбидент ион бўлиб, у икки хил реакцияга киришади:



Бу реакция учун  $\text{NaNO}_2$ , ва ДМФА ишлатилса нитробирикма шосил бўлади:




Реакция  $\text{S}_{\text{N}}2$  механизмда боради ва нуклеофил фаоллиги юқори бўлган азот атомининг тақсимланмаган электрон жуфтнинг шужуми билан бошланади:




ДМФА натрий ионини сольватлайди.

Галоидалкилларни цианид кислота билан реакцияси шам икки хил йўналишда боради. Бирламчи галоид алкилнинг  $\text{AgCN}$  билан реакцияси изонитрилни беради ва реакция  $\text{S}_{\text{N}}1$  механизмда боради:






Реакцияга реагент сифатида  $\text{Na}^+[\text{CN}]^-$  олинса, реакция  $\text{S}_{\text{N}}2$  механизмда боради ва нитрил бирикма шосил бўлади:




Умуман, карбокатионларнинг барқарорлиги ва уларнинг реакцияга киришиш қобилияти қуйидагича ўзгаради:




Метилгалогениддан учламчи галогенид бирикмаларга ва улардан бензилгалогенидларга ўтган сари мономер реакцияларнинг тезлиги қуйидагича ортиб боради:  $\text{CH}_3\text{X} < \text{CH}_3\text{CH}_2\text{X} < (\text{CH}_3)_3\text{CX} < \text{CH}_2\text{CH}(\text{CH}_3)\text{CH}_2\text{X} < \text{C}_6\text{H}_5\text{CH}_2\text{X} < (\text{C}_6\text{H}_5)_2\text{CHX} < (\text{C}_6\text{H}_5)_3\text{CX}$ .

Умуман, галогеналканлардан спиртлар, карбон кислоталар ва шаккозо органик бирикмаларнинг барча синфларини олиш мумкин.

**Тўйинмаган галоидбирикмалар.** Алкенларнинг бир ёки бир неча водороди ўрнини галоген олишдан тўйинмаган галоидбирикмалар шосил бўлади. Улар икки турли бўлади. Винил туридаги ва аллил туридаги галоидбирикмалар:



Бу галоидбирикмалар қуйидагича синтез қилинади:




Винил хлорид, винил фторид, тетрафторэтилен оддий шароитда газ моддалар. Аллил бромид, аллил хлорид кўзни ёшантирадиган суюқлик.

Винил хлорид алмашиниш реакциясига киришмайди.


Углерод галоген боғи мустақкам боғ бўлиб, унинг узунлиги 0,169 нмга тенг.

Винил хлорид  $\text{X}_2$ ,  $\text{HX}$  билан реакцияга киришади:







Винил хлорид осон полимерланиш реакциясига киришади:



Аллил хлорид алмашиниш реакциларига яхши киришади:



Ишлатилиши: винил хлорид, винил фторид, тетрафторэтилен полимерлар олиш учун ишлатилади.

#### Назорат саволлари:

1. +уйидаги  $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{CCl}(\text{CH}_3)_2$ ,  $\text{CH}_3(\text{CH}_2)_4\text{Cl}$ ,  $\text{CH}_3(\text{CH}_2)_4\text{I}$ ,  $(\text{CH}_3)_3\text{CCl}$  галоидбирикмаларни алмашиниш реакциясидаги реакцияга кириш қобилиятининг ортиб бориши қаторини тузинг ва изоццанг.
2. Этил хлорид, винил хлорид, аллил хлоридларнинг қайси бирининг C-Hal боғи гидролиз реакциясига ёмон киришади. Жавобингизни изоццанг.
3.  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{Br}$  таркибли модда гидролиз қилинса учламчи спирт щосил бўлади, агар уни дегидробромлаш реакциясига учратилса триметилэтилен чикади.  $\text{C}_5\text{H}_{11}\text{Br}$  нинг тузилиш формуласини ёзинг.
4. 1,2-Дибромэтан ва 1,1-дибромэтанлар изомер моддалар бўлиб, уларни қандай реакциялар ёрдамида фарқлаш мумкин.
5.  $\text{C}_3\text{H}_5\text{Br}$  модда KCN ва AgOH билан реакцияга киришмайди, Аммо водород бромид билан таъсирлашишидан 2,2-дибромпропан щосил бўлади.  $\text{C}_3\text{H}_5\text{Br}$  нинг тузилиш формуласини ёзинг.
6. Неопентилбромидни иод билан реакциясидан яхши унум билан неопентилиодид щосил бўлади. Бу реакциянинг механизмини таклиф этинг ва изоццанг.

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С. 229-241, 245-248.
2. А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов Начала органической химии. Книга 1. М.: 1969. С. 80-90.
3. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. Часть 1. М.: «Мир», 1978. С. 308-384.
4. А.Терней Современная органическая химия. Т. 1. М.: «Мир», 1991. С. 167-252.
5. Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: «Мир». 1974. С.446-475.
6. З.Гауптман, Ю. Грефе, Х. Ремане Органическая химия. М.: «Химия». 1979. С.124-171, 283-302.
7. +.Н. Ахмедов, Х.Й. Йўлдошев Органик кимё усуллари. I-қисм. Т.: «Университет». 1998. 14-43 б.


### Маъруза № 11. Ди- ва полигалоид бирикмалар. Металлорганик бирикмалар

*Ди- ва полигалоидбирикмаларнинг турлари, уларнинг тузилиши, номланиши, олиниши, ишлатилиши. Металлорганик бирикмаларнинг олиниши*


Таркибида икки ва ундан ортиқ галоген атоми туган бирикмаларга полигаллоид-бирикмалар дейилади.

Тўйинган, этилен ва ацетилен углеводородларнинг битта, иккита ва шақозо водород атомлари галогенга алмашган бўлади. М-н,  $\text{CH}_3\text{Cl}$  метил хлорид,  $\text{CH}_2\text{Cl}_2$  метилен хлорид,  $\text{CHCl}_3$  хлороформ,  $\text{CCl}_4$  тетрахлорметан,  $\text{CH}_2\text{Cl}-\text{CH}_2\text{Cl}$  1,2-дихлорэтан,  $\text{CH}_3-\text{CHCl}_2$  1,1-дихлорэтан,  $\text{CCl}_3-\text{CCl}_3$  гекса-хлорэтан,  $\text{ClCH}=\text{CHCl}$  1,2-дихлорэтилен,  $\text{Cl}_2\text{C}=\text{CH}_2$  1,1-дихлорэтилен,  $\text{CH}_2=\text{C}(\text{Cl})-\text{CHCl}_2$  3,3-дихлорпропен-1 ва ш.зо.


Дигаллоидли бирикмаларни олиш алкенларга галлоид бириктириш билан амалга оширилади:



Альдегид ва кетонларга  $\text{PCl}_3$  ёки  $\text{PCl}_5$  таъсир эттириб геминал галлоидбирикмалар олинади:



Галлоид атомлари шар хил углерод атомида жойлашган дигаллоидбирикмаларни олиш учун тўйинмаган галлоидбирикмаларга пероксидлар иштирокида  $\text{HBr}$  таъсир эттирилади:




Полигаллоидли бирикмалардан  $\text{CHCl}_3$ ,  $\text{CH}_2\text{Cl}_2$  ва  $\text{CCl}_4$  лар катта ашамиятга эга. Хлороформ хлоральга  $\text{KOH}$  таъсир эттириб олинади:





Йодоформ эса спирт ёки ацетонга йод ва ишқор таъсир эттириб олинади.


Тетрахлорметанни  $\text{CCl}_4$  углерод сульфидга хлор таъсир эттириш билан синтез қилиш мумкин:



Кимё саноати учун мушм ашамиятга эга бўлган тетрафторэтилен хлороформга суюқ  $\text{HF}$  таъсир эттириб олинади:




Винилиден хлорид винил хлоридга ўхшаш полимерлар саноатида ишлатилади ва уни қуйидагича олинади:



Симметрик дихлорэтилен ацетиленга кам миқдордаги хлор таъсир эттириш билан олинади:



Гексахлорэтандан 1 моль хлор ажратиш билан 1,1,2,2-тетрахлорэтен шосил бўлади:



Тетрахлорэтилен полимерланиш реакциясига киришмайди.

Полигалоген бирикмалар полимерларни эритувчиси сифатида (метилен хлорид, тетрахлорметан, дихлорметан), тиббиётда ва саноатда фреонлар сифатида ( $\text{CCl}_3\text{F}$ ,  $\text{CCl}_2\text{F}_2$ ,  $\text{CHClF}_2$ ,  $\text{C}_2\text{Cl}_2\text{F}_4$ ,  $\text{C}_2\text{ClF}_5$ ) ишлатилади.

**Металлорганик бирикмалар.** Металлорганик бирикмалар органик бирикмалар синфининг катта қисмини ташкил қилади. Металлорганик бирикмалар реакцияга киришиш қобилияти кучли бўлган органик бирикмалардир.


Органик бирикмалар даврий системанинг I, II, III группа ва ўзгарувчан валентли (Ti, Cr, Fe, Co, Ni, Pd, Pt) металлари билан углерод-металл боғлари щосил қилишлари натижасида металлорганик бирикмалар щосил бўлади.

Металлорганик бирикмаларнинг номланиши углеводород қолдиғи ва металл номларидан щосил бўлади:




$\text{CH}_3\text{Na}$ -метилнатрий,  $\text{C}_6\text{H}_5\text{Na}$ -фенилнатрий,  $(\text{C}_2\text{H}_5)_2\text{Hg}$ -ди-этилсимоб ва щ-зо.

Галогеналканлар металл билан ўзаро таъсирлашиб металлорганик бирикмалар щосил қилади ва улардан фойдаланиб турли хил органик бирикмалар синтез қилинади.

Галогеналканлар натрий билан реакцияга киришади ва охирги мащсулот сифатида тўйинган углеводород щосил бўлади (Вюрц реакцияси):




Реакция кучли электронодонор бўлган Na атомидан галогенга электронларнинг силжиши орқали бошланади. Бунда оралиқ мащсулотлар сифатида озод радикаллар ва натрийорганик бирикмалар щосил бўлади:



Литийорганик бирикмалар  $\text{N}_2$  ёки Ag атмосферасида эритувчи ишгирокида галогенуглеводородларга литий метали таъсир эттириб олинади:




Магнийорганик бирикмаларни эса тетрагидрофуран ёки курук диэтил эфири эритмасида галогенуглеводородлар билан магний метали таъсирида олиш мумкин:




Рухорганик бирикмалар биринчи марта Э.Франкланд томонидан 1849 йили рухга этил йодид таъсир эттириб олинган:



Рухорганик бирикмалар асосан литийорганик бирикмаларга сувсиз  $\text{ZnCl}_2$  таъсир эттириш билан олинади:



Алюминийорганик бирикмалар одатда алкилйодидларга алюминий таъсир эттириб синтез қилинади:



Триалкилалюминий техникада 100-120<sup>0</sup> С да босим остида алкен, водород ва майдаланган алюминийдан олинади:



Бу бирикма шавода ёниб кетади.

### Назорат саволлари:

C<sub>5</sub>H<sub>10</sub>Cl<sub>2</sub> галоген бирикманинг изомерларини ёзинг ва систематик номенклатура бўйича номланг.


Пропион альдегиди PCl<sub>5</sub> билан реакцияга киришса қандай дигалогенли бирикма шосил бўлади.

3,3-диметил-1,4-дихлорбутен-1 нинг тузилиш формуласини ёзинг.

Метилацетиленни қайси дигалогенли бирикмадан олиш мумкин. Реакция тенгламасини ёзинг ва шароитини кўрсатинг.

Этил бромид ва пропил бромид натрий метали билан реакцияга киришганда қандай моддалар шосил бўлади. Реакция тенгламасини ёзинг.

+уйидаги бирикмани шалқаро номенклатура бўйича номланг:





### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.219-223, 229, 248-256.
2. А.Терней Современная органическая химия. М.: «Мир». 1981. Т.1. С.235-244.
3. К.Н.Ахмедов, Х.Й.Йўлдошев Органик кимё усуллари. 1-қисм Т.: «Университет». 1998. 113-148 б.

### Маъруза № 12. Спиртлар

*Спиртларнинг турлари ва номланиши. Спиртларнинг олиниши усуллари. Кимёвий хоссалари. Ишлатилиши. Оддий эфирларнинг номланиши ва олиниши. Ишлатилиши*

Спиртлар деб, R-OH умумий формулага эга бўлган бирикмаларга айтилади. Бу ерда R-алкил гуруши бўлиб, бирламчи, иккиламчи, учламчи бўлиши, очик занжирли, шалқали, ёки кўш боғ ёки ароматик шалқа тутиши мумкин:




Тўйинган спиртлар 3 хил-карбинол бўйича, систематик ва тарихий номенклатуралар асосида номланади. М-н:

CH<sub>3</sub>CH<sub>2</sub>OH метилкарбинол, этанол, этил спирти

CH<sub>3</sub>-CH-CH<sub>2</sub>OH изопропилкарбинол, 2-метилпропанол, изобутил спирти

$$\begin{array}{c} \text{CH}_3 \\ | \\ \text{CH}_3 \\ | \\ \text{CH}_3-\text{C}-\text{OH} \\ | \\ \text{CH}_3 \end{array}$$
 триметилкарбинол, 2-метилпропанол-2, учлам.бутил спирти  
 ва Ҷ 30

Спиртлар галоидалкиллари сув ёки NaOH билан гидролиз қилиб олинади. Сув билан гидролиз қилинганда реакция қайтар, ишқор билан гидролиз қилинса охиригача боради:




Спиртларни магнийорганик бирикмалар асосида синтез қилиш мумкин:




Бу усулда чумоли альдегиддан бирламчи, бошқа альдегидлардан иккиламчи, кетонлардан учламчи спиртлар ҳосил бўлади.


Спиртларни олиш усулларида бири алкенларга сув таъсир эттиришдир. Бу реакция H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, H<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>, Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> лар иштирокида боради. Бунда кислота фаол протон беради ва у алкенга бирикиб, сув молекуласининг бирикишига олиб келади:



Спиртларни альдегид ва кетонларни Ni, Pt, Pd иштирокида водород билан қайтариб олинади:



Спиртларни оксосинтез усули бўйича CO+H<sub>2</sub> дан олиш мумкин. Бунда ишлатилган катализаторларнинг табиатига қараб метанол ва бошқа тўйинган спиртларнинг аралашмаси ҳосил бўлади:



Спиртларнинг реакцияга киришиш қобилияти ундаги O-H гуруҳи ва алкил радикалининг табиати билан белгиланади.


Спиртлар кучсиз кислоталардир:

Спирт CH<sub>3</sub>OH CH<sub>3</sub>CH<sub>2</sub>OH (CH<sub>3</sub>)<sub>2</sub>CHOH (CH<sub>3</sub>)<sub>3</sub>CHOH


рК<sub>а</sub>            15,2            15,8            16,9            19,2  
 (сувдаги  
 эритма  
 учун)

Энг кучли кислота метанол щисобланади.


Спиртлар натрий метали билан реакцияга киришиб алкоголятларни щосил қилади, м-н:




Алкоголятлар кучли асослар бўлиши билан бир қаторда кучли нуклеофил реагентлар щисобланади. Улар осон алкилланади (Вильямсон реакцияси) ва ацилланади. Реакция натижасида оддий ва мураккаб эфирлар щосил бўлади:



Алкоголятлар таъсирида галогеналканлардан галогенводородлар ажралиб, этилен ва ацетилен углеводородлар щосил бўлади:



Бирламчи спиртлар оксидланиб альдегидларни, иккиламчи спиртлар эса кетонларни щосил қилади.



Метанол йилига 10 млн. тоннадан ортиқ ишлаб чиқарилади. У бошқа эритувчиларни (оддий ва мураккаб эфирларни) синтез қилишда асосий хом ашё щисобланади. Шунингдек спиртлар (этанол) Лебедев усули билан бутадиен олишда, ацетон олишда (изопропил спирт), пластификатор (бутанол-1) олишда ишлатилади.

**Оддий эфирлар.** Оддий эфирлар деб, спирт молекуласидаги водороднинг углеводород қолдиғига алмашишдан щосил бўлган бирикмаларга айтилади. Бунда углеводород қолдиғи бир хил (R-O-R) ёки шар хил (R-O-R') бўлиши мумкин.


Оддий эфирларни қуйидагича номланади:

C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>-O- C<sub>2</sub>H<sub>5</sub> диэтил эфири; этоксиэтан


CH<sub>3</sub>-O- CH<sub>3</sub> диметил эфири; метоксиметан

CH<sub>3</sub>-CH<sub>2</sub>-O- CH<sub>3</sub> метилэтил эфири, метоксиэтан ва щ-зо.


Оддий эфирлар натрий алкоголятларни галоидалкиллари билан реакциясидан олинади (Вильямсон усули):




Энг мушим эфир бўлган диэтил эфирни этил спиртига ортиқча миқдордаги сульфат кислота таъсир эттириб олинади:



Реакциянинг иккинчи босқичида бошқа спирт таъсир эттирилса аралаш эфир шосил бўлади:



Агар спирт  $300^\circ\text{C}$  да  $\text{Al}_2\text{O}_3$  таъсирида қиздирилса сув чиқиб кетиб, оддий эфир шосил бўлади:



Диэтил эфир металлорганик синтезларда ва тиббиётда кенг қўлланилади. Диизопропил эфири ва метил- *учламчи*-бутил эфирлари бензиннинг сифатини оширишда антидетанатор сифатида ишлатилади.

#### Назорат саволлари:

1.  $\text{C}_5\text{H}_{12}\text{O}$  таркибли спиртнинг изомерлари сони нечта.
2.  $\text{C}_6\text{H}_{14}\text{O}$  таркибли спиртларнинг изомерларини систематик номенклатура бўйича номланг.
3. +уйидаги спиртларнинг тузилиш формулаларини ёзинг:  
1)изоамил спирти, 2) аллил спирти, 3) 2-метилгексанол-3, 2,3-диметилбутанол-2.
4. Литийорганик бирикма ёрдамида пропил спиртини синтез қилинг. Реакция тенгламасини ёзинг.
5. +уйидаги бирикмалар кислотали мухитда сув билан реакцияга киришганда қандай спиртлар шосил бўлади: 1) изобутилен, 2)2-метилпентен-2, 3) пропилен, 4) 2-метилбутен-2.
6. 2-Метилбутанол-1 дан 2-метилбутанол-2 ни синтез қилинг.
7.  $\text{C}_6\text{H}_{14}\text{O}$  таркибли оддий эфирнинг изомерларини ёзинг ва систематик номенклатура бўйича номланг.
8. Диэтил эфирнинг олиниш усулларини ёзинг.

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.280-284, 287-296.
2. А.Терней Современная органическая химия. М.: «Мир». 1981. Т.1 С. 386-395, 400-402

#### Маъруза №13. Тўйинмаган спиртлар

*Тўйинмаган спиртларнинг номланиши, олиниши ва ишлатилиши. Кўп атомли спиртларнинг турлари, номланиши, физик ва кимёвий хоссалари. Кўп атомли спиртларнинг ишлатилиши*

Тўйинган спиртлар таркибидаги қўш боғ ёки уч боғ бўлиши мумкин ва улар қуйидагича номланади: Масалан,



$\text{CH}_2 = \text{CH} - \text{CH}_2\text{OH}$  пропен - 2 - ол - 1, аллил спирти


$\text{CH}_3 - \text{CH} = \text{C} - \text{CH}_2 - \text{CH}_2\text{OH}$  3-метилпентен - 3 - ол - 1



$\text{HC} \equiv \text{C} - \text{CH}_2\text{OH}$  пропин - 2 - ол - 1, пропаргил спирти



Тўйинмаган спиртларни тўйинган спиртларнинг олиниш усуллари бўйича олиш мумкин.

Аллил спирти саноатда аллил хлориддан олинади:




Аллил спиртидан саноатда глицерин ишлаб чиқаришда ва карбон кислоталарнинг аллил эфирларини олишда фойдаланилади.

Баъзи алкиноллар ацетилен, альдегид ва кетонлардан Фаворский А.Е. реакцияси орқали олинади: М-н:






Мис ацетилениди иштирокида сувли эритмада босим остида ацетилен ва формальдегид реакцияларидан фойдаланиб спиртлар (В.Реппе) олинади:




Тўйинган спиртлар органик синтезда (пропаргил спирти), парфюмерия саноатида (гераниол, леналоол) кенг қўламда ишлатилади.

**Кўп атомли спиртлар.** Икки ёки ундан ортиқ гидроксил гуруши тутган бирикмаларга кўп атомли спиртлар дейилади.


Таркибида иккита гидроксил гуруш тутган бўлса гликоллаар дейилади. Гидроксил гурушлар 1,2; 1,3 ва ш-зо шолатларда жойлашган бўлиши мумкин:





$\alpha$ -гликоллаарда ОН-гурушлар ёнма-ён жойлашган бўлади:



β-гликолларда ОН-гурушлар 1,3-шолатда жойлашган бўлади:





γ-гликолларда ОН-гурушлар 1,4-шолатда жойлашган бўлади:




Гликоллар бир атомли спиртлар каби олинади.


1. Тўйинган углеводородларнинг дигалогенли бирикмаларидан ёки хлоргидринлардан олинади:



2. Алкенлардан оксидлаб олиш (Вагнер реакцияси):




Глицерин 1779 йилда К.Шееле томонидан ёғни ишқор билан қўрғошин оксиди ишпирокида гидролиз қилиб олинган. Шозир саноатда глицериннинг маълум қисми ёғдан, асосий қисми эса синтетик усул билан аллилхлорид ёки аллил спиртидан олинади:




**Физик ва кимёвий хоссалари** Гликолларда сув ва спиртлар каби водород боғлари шосил бўлгани учун қайнаш температуралари юқори бўлади. Гликолларда битта ёки иккита гидроксил гурушидаги водород реакцияга киришиши мумкин. Биринчи водороднинг алмашиши иккинчи гидроксил гурушнинг электроноакцептор (-I) таъсирида осон боради. Гликол этанолга нисбатан кучли кислота шисобланади.

Гликолятлар қуруқ гликолларга металлар (Na, K, Mg, Al) таъсир эттириб олинади:





Гликоллар оксидланганда охирги мащсулот CO<sub>2</sub> ва H<sub>2</sub>O шисобланади, лекин гликолни глиоксалгача каталитик оксидлаш усули шам мавжуд:




Гидроксил гурушни галогенга, масалан бромга алмаштириш мумкин:



Гликоллардан кучли кислоталар иштирокида оддий эфирлар олиш мумкин:



Этиленгликоль  $\text{H}_2\text{SO}_4$  иштирокида киздирилса циклик эфир диоксан щосил бўлади:




Глицерин шам спиртларга хос бўлган барча реакцияларга киришади.

Кўп атомли спиртлар (этиленгликоль) эритувчилар синтез қилишда, автомобиль ва трактор двигателлари учун антифриз (этиленгликоль, глицерин) сифатида ишлатилади.

#### Назорат саволлари:

1. +уйидаги тўйинмаган спиртларни систематик номенклатура бўйича номланг:
  1.  $\text{CH}_3-\text{CH}_k\text{CH}-\text{CH}_2-\text{CH}_2\text{OH}$
  2.  $\text{CH}_3-\text{C}(\text{CH}_3)_k\text{CH}-\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$
  3.  $\text{CH}_3-\text{CH}_k\text{CH}-\text{CH}(\text{CH}_3)-\text{CH}_2\text{OH}$
2. Аллил спирти, бутандиол-1,3, гексантиол-1,3,4 ларнинг тузилиш формулаларини ёзинг.
3. Глицериннинг нитролаш реакциясини ёзинг ва щосил бўлаган моддани номланг.
4. Глицерин  $\text{Cu}(\text{OH})_2$  билан реакцияга киришганда қандай комплекс бирикма щосил бўлади. Реакция тенгламасини ёзинг.
- 5.



нинг  $\text{PCl}_3$  билан реакция тенгламасини ёзинг. Дастлабки ва щосил бўлган моддани номланг.

6. Этиленгликолнинг сирка кислотаси билан сульфат кислота иштирокида борадиган реакциясини ёзинг.

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.297-298, 301-308.

2. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. 1978. Т.1.С. 439-442.








### Маъруза №14. Карбонил бирикмалар

*Карбонил бирикмаларнинг тузилиши, номланиши ва олиниши усуллари*

Молекуласида >C=O гуруч тутган бирикмаларга оксобирикмалар деб айтилади.


Агар карбонил гуруч битта водород ва алкил гуруч билан боғланган бўлса альдегидлар, карбонил гуруч иккита радикал билан боғланган бўлса кетонлар дейилади.

Карбонил бирикмалар систематик ва рационал номенклатуралар асосида номланади:




1. Альдегидлар ва кетонларни алкенларни оксидлаш орқали олинади:


а) Алкенлар  $\text{CrO}_3$  билан сирка кислота эритмасида таъсирлашади ва қўш боғ узилади, натижада альдегид ва кетонлар шосил бўлади. Реакция шароитида альдегид оксидланиб карбон кислотага айланади:




б) Спиртларни оксидлаш ёки Cu, Pt, Pd иштирокида дегидрогенлаш билан оксобирикмаларни олиш мумкин. Бирламчи спиртларни оксидлаб альдегид, иккиламчи спиртларни оксидлаб эса кетонлар олинади:




2. Геминь дигалогеналканлар гидролиз қилинганда ҳам альдегид ва кетонлар шосил бўлади:



3. Алкинлар симоб тузлари иштирокида кислотали муҳитда сувни бириктиради (М.Г.Кучеров, 1881). Бу реакцияда ацетилендан сирка альдегид, бошқа алкинлардан эса кетонлар шосил бўлади:





Реакциянинг биринчи босқичида енол шосил бўлади ва у қайта гуруҳланиб карбонил бирикмага айланади. Ацетиленга сувнинг бириктириши натижасида ацетальдегид шосил бўлади:




### Назорат саволлари:

1. уйидаги бирикмаларни систематик номенклатура бўйича номланг:



2. Асосий занжирида 5 та углерод атоми бўлган кетонларнинг тузилиш формуласини ёзинг.

3. +уйидаги ўзгаришни қандай реакциялар орқали амалга ошириш мумкин:



4. а) Бутанол-2; б) 3-метилбутанол-1 парнинг оксидланишинатижасида қандай карбонил бирикмалар ҳосил бўлади?

5. Гриньяр реакциясидан фойдаланиб сирка ва пропион альдегидларини синтез қилинг.

6. Пропион кислотанинг кальцийли тузи пиролиз қилинса, қандай кетон ҳосил бўлади?

#### Адабиёт:

1. О.Я. Нейланд Органическая химия. М.: «Ву́сшая школа». 1990. С.436-440

2. Р. Моррисон, Р. Бойд Органическая химия. М.: "Мир" 1974. С. 587-594

#### Маъруза №15. Карбонил бирикмаларнинг хоссалари

*Карбонил бирикмаларнинг оксидланиши, Гриньяр реактивининг таъсири. Карбонил бирикмаларни идентификация қилиши. Карбонил бирикмаларнинг ишлатилиши*

Карбонил гуруҳ кучли қутбланган гуруҳ ҳисобланади. Карбонил бирикмаларнинг кимёвий хоссалари ундаги карбонил гуруҳнинг қутбланганлиги ва унинг турли нуклеофилларни бириктириш қобилиятига эга эканлигига боғлиқ бўлади. Карбонил гуруҳ α-углерод атомидаги водороднинг фаоллигини оширади ва водород ҳисобига кўпгина реакцияларни амалга ошириш мумкин.


Карбонил бирикмалар қуйидаги реакцияларга киришади.

Альдегидлар кучли ( $\text{KMnO}_4$ ,  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ ) ва кучсиз оксидловчилар иштирокида оксидланиб кислоталарни ҳосил қилади:






Альдегидлар жуда осон оксидланади ва бу хоссалари билан кетонлардан фарқ қилади.


Альдегид ва кетонлар  $\text{LiAlH}_4$  иштирокида қайтарилиб, альдегидлардан бирламчи, кетонлардан эса иккиламчи спиртлар олинади:





Гриньяр реактивининг формальдегидга бирикиши натижасида бирламчи спиртлар, бошқа альдегидлардан иккиламчи, кетонлардан эса учламчи спиртлар ҳосил бўлади:



Водород цианиднинг бирикиши натижасида оксинитриллар шосил бўлади:






Альдегидларга ва метилалкилкетонларга натрий бисульфит бирикади:




Бу реакция натижасида альдегид ва кетонларнинг бисульфитли бирикмалари шосил бўлади.


Альдегид ва кетонлар гидроксилламин билан оксим, фенилгидразин билан фенилгидразон, семикарбазид билан семикарбазон каби шосилаларни беради ва улар альдегид ва кетонларни идентификация қилишда фойдаланилади:




Альдегид ва кетонлар ишқорий ва кислотали мушита альдол конденсацияга киришади ва гидроксиальдегид ва гидроксикетонлар шосил бўлади:



Конденсация реакцияси  $\alpha$ -шолатдаги водород шисобига боради:




Шосил бўлган гидроксиальдегид ва гидроксикетонлардан сув ажралади ва кротон конденсацияланиш мащсулоти шосил бўлади:



Альдегид ва кетонлар халқ хўжалигининг турли сощаларида ишлатилади. М-н, формальдегид полимерлар олишда (фенолформальдегид смолалар, карбамид смолалар), органик синтезда ва тиббиётда кенг қўлланилади. Ацетальдегид сирка кислота, бутадиеен, пентаэритрит ва бошқа мушим бирикмаларни олишда ишлатилади. Ацетон кимё сааноатида эритувчи сифатида кенг қўлланилмоқда.

#### Назорат саволлари:

1. Метилэтилкетоннинг фенилгидразин билан реакциясини ёзинг.
2. Пропион альдегидининг конденсацияланиш реакциясини ёзинг. Шосил бўлган моддани номланг.
3. Сирка альдегидидан фенилгидразон олиш реакциясини ёзинг.
4. +уйидаги реакция схемасини тўлдилинг:



5. Бутаналнинг семикарбазид билан реакциясини ёзинг.
6. Этаналнинг альдол- ва кротон конденсацияланиш реакцияси натижасида қандай модда шосил бўлади. Шосил бўлган моддани номланг.

#### Адабиёт:

1. О.Я. Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.443-455
2. Р. Моррисон, Р. Бойд Органическая химия. М.: "Мир" 1974. С. 587-594

### Маъруза № 16. Карбон кислоталар




*Карбон кислоталарнинг турлари, номланиши, олинши усуллари. Карбон кислоталарнинг кимёвий хоссалари*

Молекуласида карбоксил гуручи -COOH тугган углеводородларнинг шосилаларига карбон кислоталар дейилади. Карбон кислоталар карбоксил гуручининг сонига ва углеводород қолдиғининг табиатига қараб, монокарбон, дикарбон ва поликарбон кислоталарга, карбон кислоталарнинг функционал шосилаларига, углеводороднинг радикалида шар хил функционал гурушлар тугган кислоталарга ва кўмир кислота шосилаларига бўлинади.

Монокарбон кислоталар углерод радикалининг табиатига қараб:

тўйинган монокарбон кислоталар  $C_nH_{2n+1}COOH$  ва шалқа тугган кислоталарга,



тўйинмаган монокарбон кислоталарга  $C_nH_{2n-1}COOH$ ,  $C_nH_{2n-3}COOH$

аренмонокарбон кислоталарга  $ArCOOH$ ,  $ArCH_2COOH$ ,  $ArCH_kCHCOOH$  бўлинади.

Карбон кислоталарни тарихий ва систематик номенклатурада номланади. Карбон кислоталарни систематик номенклатурада номлаш учун углеводород номига кислота сўзи қўшиб айтилади. М-н:

$H-COOH$  метан кислота, чумоли кислота


$CH_3COOH$  этан кислота, сирка кислота

$CH_3-CH_2COOH$  пропан кислота, пропион кислота


$CH_3(CH_2)_2COOH$  бутан кислота, мой кислота

Аммо кўп кислоталар тарихий номда номланади.



Баъзида тармоқланган тузилишга эга бўлган кислоталарни номлашда  $\alpha$ -,  $\beta$ -,  $\gamma$ -,  $\delta$  шарфларидан фойдаланилади:



Кислоталарни сирка кислота асосида ҳам номлаш мумкин. М-н:




Монокарбон кислоталар галогеналканларни ва нитрилларни гидролиз қилиб олинади:



Металлорганик бирикмалардан олиш мумкин:




Спирт ва альдегидларни шаво кислороди билан катализаторлар (Co, Mn тузлари) иштирокида оксидлаш:




Монокарбон кислоталарни малон эфири ёрдамида шам синтез қилиш мумкин.



Карбон кислоталар рангсиз суюқ ва кристалл моддалар. Уларнинг қайнаш шаро-  
ратлари спиртларникидан юқори. Бунинг сабаби, кислоталар водород боғининг шисо-  
бига димер шосил қилади:



Карбон кислоталар ишқорнинг сувли эритмаси билан реакцияга киришиб туз шосил қилади:




Карбон кислоталар  $SOCl_2$ ,  $PCl_3$  ёки  $PCl_5$  билан реакцияга киришиб хлорангидрид-  
ларни шосил қилади:




Бу реакцияда энг қулайи тионилхлорид бўлиб, реакция мащсулоти тоза чиқади,  
сабаби  $SO_2$  газ шотида учиб кетади.


Карбон кислоталардан мураккаб эфирлар олишда унинг OH-гуруши шисобига ре-  
акция боради. Мураккаб эфир олиш реакциясини этерификация реакцияси дейилади:



Этерификация реакциясида спиртларнинг ва кислоталарнинг реакция қобилияти куйидаги тартибда пасаяди:






Кислота амидлари кислоталарнинг аммонийли тузларини қиздириш орқали олинади:




### Назорат саволлари:

1.  $\text{C}_5\text{H}_{10}\text{O}_2$  таркибли кислотанинг изомерларини ёзинг. Уларни рационал ва халқаро номенклатура бўйича номланг.

2. уйидаги кислоталарни халқаро номенклатура бўйича номланг.



3. уйидаги ўзгаришларни амалга оширинг:



4. уйидаги кислоталарни кислоталик кучи ошиши тартибида жойлаштиринг:



5. Пропион кислотанинг 1 мол хлор билан реакция тенгласини ёзинг. □-шолатдаги водороднинг нима учун фаол бўлишини тушунтиринг.

6. Реакция натижасида бутан кислота шосил бўлса, реакция учун қайси магнийорганик бирикма олинганини ва реакция тенгласини ёзинг.

### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.536-547


2. Дж.Робертс, М.Касерио Основы органической химии. М.: "Мир". 1978. Т. С. 536-543, 549-565

Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: "Мир" 1974. С. 551, 558-560, 562-564.


### Маъруза №17. Карбон кислоталарнинг функционал шосилалари. Мураккаб эфирлар, ёғлар, совунлар

*Мураккаб эфирларни ва кислота амидларини олиниши. Ёғларнинг тузилиши. Ёғларни гидролиз қилиши*


Карбон кислоталарнинг функционал шосилаларидан бири бўлган мураккаб эфирлар карбон кислоталарга спиртлар таъсир эттириб олинади:




Реакция минерал кислота иштирокида боради. Мураккаб эфирлар карбон кислота ангидридларига спиртлар таъсир эттириб ҳам олинади:




Мураккаб эфирлар галоидангидридларга спиртларни таъсир эттириш билан ҳам олинади:



Мураккаб эфирлар қайта эфирлаш усули билан ҳам олинади. Реакция кислотали ёки ишқорий мушита боради:




Кислота амидлари ацилхлоридларга аммиак ёки аминларни таъсир эттириб олинади:




Кислота амидларини карбон кислоталарга аммиак таъсир эттириб ҳам олинади. Бунда кислотанинг аммонийли тузи ҳам бўлади ва у қиздирилса кислота амиди ва сув шосил бўлади:




Кислота амидларини ангидридлардан ҳам олинади:



Нитриллар гидролиз қилинганда ҳам кислота амидлари шосил бўлади:



Ёғлар глицерин ва кислота гомологик каторининг мураккаб эфирларидир. Бу мураккаб эфирлар таркибидаги кислоталар мой кислотасидан стеарин кислотасигача бўлиши мумкин. Тўйинган ёғларнинг тузилиши қуйидагича бўлади:



Суюқ ёғларнинг молекуласида радикал тўйинмаган кислоталарнинг қолдиқларидан иборат бўлиб, биттадан учтагача қўш боғ тутган бўлади. Ёғларни Ni катализатори иштирокида қайтарилса, қаттиқ шолга келади. Бунга ёғни қаттиқ шолга келтириш дейилади ва маргарин шосил бўлади.

Ёғни битта молекуласининг ўзида турли кислоталарнинг қолдиқлари бўлиши мумкин.

Глицериннинг мураккаб эфирларига глицеридлар дейилади. Новвос ёғи стеарин (пқ17) кислотанинг глицеридидан иборат бўлади. +ўй, мол ва кокос ёғи пальмитин (пқ15, òðèìäëüèðèè) кислотасининг глицеридидан иборат бўлади.

Ёғ ишқорий мушита гидролиз қилинса совун шосил бўлади ва унинг таркибидаги глицерин ажратиб олинади. Агар шу моддани ош тузи билан қайнатилса, қаттиқ совун шосил бўлади.

#### Назорат саволлари:

1.  $\text{C}_4\text{H}_8\text{O}_2$  таркибли мураккаб эфирларнинг изомерларини ёзинг ва номланг.
2. Метилацетат, метилформиат ва бутилацетатларнинг тузилиш формулаларини ёзинг.
3. Пропион кислотанинг метил эфирини олинг. Реакция механизмини ёзинг.
4. Метилпропионатнинг кислотали мушитадаги гидролиз реакцияси тенгламасини ва механизмини ёзинг.
5. +айси хлорангидридга аммиак таъсир эттирилса бутирамид шосил бўлади.
6. Трипальмитинни гидролиз қилинг ва унга сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) таъсир эттиринг. +андай совун шосил бўлади?

#### Адабиёт:

1. О.Я. Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.563-582
  2. Дж. Робертс, М. Касерио Основы органической химии. М.: "Мир". 1978. Т. С. 565-575
- А.Н. Несмеянов, Н.А. Несмеянов Начала органической химии. М.: 1969. Кн.1. С.170-182.

#### Маъруза №18. Тўйинмаган кислоталар

*Тўйинмаган кислоталарнинг номланиши ва олинishi. Тўйинмаган кислоталарнинг кимёвий хоссалари. Ишлатилаши*


Таркибида қўш боғ ва уч боғ тутган карбон кислоталар тўйинмаган кислоталарга киради. Тўйинмаган кислоталар рационал ва шалқаро номенклатуралар асосида номланади: Н-Н:

$\text{CH}_2 = \text{CHCOOH}$  пропен кислота, акрил кислота.


$\text{CH}_3 - \text{CH} = \text{CHCOOH}$  бутен-2 кислота, кротон ёки  $\square$ -метилакрил кислота

$\text{CH}_2 = \text{C}(\text{CH}_3) - \text{COOH}$  2-метилпропен кислота, метакрил кислота ёки  $\square$ -метилакрил кислота. Уларни қўйидаги усуллар билан олинади:


Тўйинмаган спирт ва альдегидлар юмшоқ шароитда оксидланса, тўйинмаган монокарбон кислоталар шосил бўлади:



Алкинлар CO билан сувли мушитда никель тетракарбонил иштирокида реакцияга киришади ва  $\alpha, \beta$ -тўйинмаган монокарбон кислоталарни (В.Реппе) шосил қилади:




Галогенкарбон, гидроксикарбон кислоталардан  $\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{HX}$  ажратиб, тўйинмаган кислоталар олинади:



**Кимёвий хоссалари.** Уч боғ тутган тўйинмаган карбон кислоталар тўйинган кислоталарга нисбатан кучли кислота шисобланади.

Тўйинмаган монокарбон кислоталар кислоталарнинг барча функционал шосилларини: тузларини, галоидангидридларини, ангидридларини, мураккаб эфирларини беради.

Тўйинмаган монокарбон кислоталар тўйинмаган боғнинг характериға кўра алкенларға ва алкинларға хос бўлган бирикиш ва полимерланиш реакцияларига киришади:



Айниқса,  $\alpha, \beta$ -тўйинмаган монокарбон кислоталар осон полимерланади, чунки карбоксил гуруш кўш боғнинг реакцияға киришиш қобилиятини оширади.

Акрил, метакрил кислоталар осон полимерланади ва улардан саноатда полимер материаллар олинади. Айниқса, акрил кислотанинг мураккаб эфири, амиди ва нитрил бирикмалари мушм ашамиятга эга.

Олеин кислотаси бўёқ саноатида асосий хом ашёлардан бири шисобланади.

#### Назорат саволлари:

1.  $C_4H_6O_2$  таркибли тўйинмаган кислотанинг изомерларини ёзинг ва халқаро номенклатура бўйича номланг.
2. Молекуласида уч боғ тугган  $C_3H_6O_2$  таркибли кислотанинг изомерлари нечта?
3. Акрил кислотанинг а) водород бромид; б) фосфор(V)-хлорид билан реакцияларини ёзинг.
4. Пропен кислотаси  $KMnO_4$  нинг сувли эритмаси билан оксидланса қандай модда шосил бўлади?

#### Адабиёт:

1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая школа». 1990. С.550-553
2. Р.Моррисон, Р.Бойд Органическая химия. М.: "Мир" 1974. С. 323-324

#### Маъруза №19. Икки асосли кислоталар

*Икки асосли кислоталарнинг турлари, номланиши ва олиниси. Икки асосли кислоталарнинг кимёвий хоссалари. Ишлатилиши*

Таркибида иккита карбоксил гуруши бўлган кислоталарга икки асосли кислоталар деб айтилади.

Икки асосли кислоталар углеводороднинг тузилишига кўра тўйинган, тўйинмаган, шалқали бўлиши мумкин.


Тўйинган икки асосли кислоталар тарихий ва систематик номенклатуралар бўйича номланади. М-н:

$HOOC-COOH$  оксалат кислота, этандикислота,


$HOOC-CH_2-COOH$  малон кислота, пропандикислота,

$HOOC-CH_2-CH_2-COOH$  қацрабо кислота, бутандикислота ва ш-зо.


Икки асосли кислоталарнинг биринчи вакили бўлган оксалат кислота саноатда чумоли кислотанинг натрийли тузини қиздириб олинади:




Этиленгликолни оксидланганда шам оксалат кислота шосил бўлади:



Оксалат кислотани дициандан (Велер, 1824 й) гидролиз қилиб шам олинади:



Гидроксикислоталар оксидланганда шам икки асосли кислота шосил бўлади:





Дикарбон кислоталар оқ кристалл моддалар бўлиб, сувда яхши эрийди.

Кимёвий хоссалари. Дикарбон кислоталар монокарбон кислоталарнинг барча хоссаларини намоён қилади. Уларнинг тузларини, хлорангидридларини, мураккаб эфирларини, амидларини ва ангидридларини олиш мумкин.


Шунингдек, α-щолатига галогенлаш реакцияларини олиб бориш мумкин. Дикарбон кислоталарнинг битта ёки иккала карбоксил гурушлари бўйича щосилаларини олиш мумкин.

Икки асосли кислоталар диссоцияланганда биринчи босқичи осон ва иккинчи босқичи қийин боради. Бунинг сабаби протоннинг иккита манфий зарядланган аниондан узоклашиши учун энергиянинг кўп талаб қилинишидир.

Икки асосли кислоталардан оксалат ва малон кислота қиздирилса CO<sub>2</sub> ажралиб, бир асосли кислота щосил бўлади:



+ащрабо кислота 230-240<sup>0</sup>С атрофида қиздирилса қашрабо ангидриди щосил бўлади:



Малон кислотасида α-щолатда водород иккита карбоксил гуруши таъсирида бўлганлиги учун фаоллашади. Унинг бу хоссасидан турли кислоталарни ва уларнинг щосилаларини синтез қилишда фойдаланилади. Айниқса, турли синтезларни амалга оширишда малон эфиридан фойдаланилади.

#### Назорат саволлари:

1. C<sub>5</sub>H<sub>8</sub>O<sub>4</sub> таркибли икки асосли кислотанинг изомерларини ёзинг ва халқаро номенклатура бўйича номланг.
2. Нима учун икки асосли кислоталар бир асосли кислоталарга нисбатан кучли щисобланади?
3. Малон кислотаси қиздирилса қандай модда щосил бўлади?
4. Малон ва қашрабо кислоталарни бир-биридан қайси реакция орқали фарқлаш мумкин?
5. 3-Хлорбутан кислота натрий гидроксиднинг спиртли эритмаси билан қиздирилса қайси тўйинмаган кислота щосил бўлади?
6. Оксалат кислотанинг олиниш усулларини ёзинг.

#### Адабиёт:


1. О.Я.Нейланд Органическая химия. М.: «Вўсшая щкола». 1990. С.556-560
2. А.Терней Современная Органическая химия М.: «Мир». 1981. Т.2 С. 133-135




**Маъруза №20. Галоидкислоталар ва икки асосли тўйинмаган кислоталар**

*Галоидкислоталарнинг турлари, уларнинг тузилиши ва номланиши. Галоидкислоталарнинг олиниши ва хоссалари. Галоидкислоталарнинг ащамияти. Тўйинмаган икки асосли кислоталарнинг тузилиши. Фумар ва малеин кислоталар*

Таркибида шам галоид атоми (фтор, хлор, бром, йод), шам карбоксил гуруши бўлган бирикмалар галоидкислоталар деб аталади. М-н:




Галоид атомларининг карбоксил гурушига нисбатан жойлашишига қараб, улар  $\alpha$ -,  $\beta$ -, ва  $\gamma$ -галоидкислоталарга бўлинади. М-н:




Галоидкислоталар, асосан, карбон кислоталарни бевосита галоидлаш билан олинади. Улар гидрокси- шамда тўйинмаган кислоталардан шам олиниши мумкин.

Карбон кислоталарда  $\alpha$ -водород атомлари карбонил гуруш таъсирида щаракатчан бўлиб қолади . Шунинг учун карбон кислоталарни хлорлаш ва бромлаш реакциялари ёруғлик нурида бориб, галоген  $\alpha$ -щолатга боради. Бу реакция кам микдордаги фосфор ишпирокида боради. У реакция Гел-Фольгард-Зелинский реакцияси номи билан маълум:



Бунда фосфорнинг вазифаси кислотани галогенангидридга айлантириб беришдир:






Галоидкислоталар оддий карбон кислоталарга қараганда кучли кислоталардир. Бунга сабаб галоид атомининг манфий индукцион (-I) таъсирidir. Бу таъсир  $\alpha$ -галоидкислоталардан  $\gamma$ -галоидкислоталарга томон камайиб боради. Турли галоид атоми тугган галоидкислоталарда эса йодкарбон кислоталардан фторкарбон кислоталарга томон кислоталилик ортиб боради. +уйидаги жадвалда галоидкислоталарнинг кислоталилик константалари келтирилган.

Жадвал

Турли галоидкарбон кислоталарнинг сувли эритмалардаги кислоталилик константалари

Кислота	pK <sub>к</sub>	Кислота	pK <sub>к</sub>
CH <sub>3</sub> COOH	4,76	F <sub>3</sub> CCOOH	-0,2
ICH <sub>2</sub> COOH	3,7	CH <sub>3</sub> CH <sub>2</sub> CH <sub>2</sub> COOH	4,82
BrCH <sub>2</sub> COOH	2,90	ClCH <sub>2</sub> CH <sub>2</sub> CH <sub>2</sub> COOH	4,60
ClCH <sub>2</sub> COOH	2,86	CH <sub>3</sub> CHClCH <sub>2</sub> COOH	4,05
FCH <sub>2</sub> COOH	2,58	CH <sub>3</sub> CH <sub>2</sub> CHClCOOH	2,85
Cl <sub>3</sub> CCOOH	0,65		

Галоген кислотада галоген алкилгалогенидларга ўхшаш нуклеофил алмашиниш ва ажралиш реакцияларига осон киришади. Шунинг учун галогенкарбон кислоталарнинг турли шосилаларини олишда биринчи боскич шисобланади.




